O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2006 йил, **11** август, жума № **32** (2159).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **11** август, **2006** год, № **32** (2159).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена свободная

Мамлакатимизнинг, халқимизнинг тинчлиги, осойишталиги, эртанги куни қандай бўлиши шу юртда яшаётган инсонларга, ҳар биримизга боғлиқ.

Ислом КАРИМОВ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 август куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Ричард Баучерни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу учрашув ўзаро муносабатларга доир муҳим масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон жаҳонда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, шунингдек, барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш тарафдоридир. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ташқи сиёсат ҳам аввало ана шу тамойилга асосланади. Шу боис Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги кўп қиррали алоқаларнинг изчил ривожланишида ўзаро англашув ва ҳурмат мавжудлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Ричард Баучер кўп йиллар давомида қатор етакчи дипломатик лавозимларда меҳнат қилган таниқли сиёсатчи. У айни пайтда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси.

Ташриф дастурига мувофиқ Р.Баучер Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

Оқсаройда ўтган учрашувда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди ҳамда икки томонлама манфаатли муносабатларнинг истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Суҳбат чоғида, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳамжиҳатлик ва тинч йўл билан ҳал этишнинг муҳимлиги таъкидланди.

(ЎзА).

Комилдин ТЎРАЕВ суратга олган.

Сержантлар — армиямиз таянчи ва суянчи

Фармон ва ижро

ТАДБИРКОРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ САМАРАСИ

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан эркин рақобат муҳитига асосланган бозор иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор ўз самарасини бермоқда. Хусусийлаштириш ва тадбиркорликнинг жадал ривожи маҳсулот ва хизматлар турини кўпайиши, сифати яхшиланишини таъминлабгина қолмай, жамиятимизда мулкдорлар синфи шаклланишига, халқимиз фаровонлигининг юксалишига хизмат қилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июнда эълон қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур Фармон асосида тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд орқали қўлланиш тартибининг жорий этилиши уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларга чек қўйди. Эндиликда тадбиркорлар ҳуқуқий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиб келаётган хўжалик судлари тизими янада мустаҳкамланяпти.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган даврида хўжалик судлари томонидан тадбиркорлар ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги 90 мингга яқин низо кўриб чиқилган. Бу рақам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 50 фоиз кўп демакдир. Даъвогарлар фойдасига 1,1 триллион сўм ҳамда 3,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ундириш юзасидан суд ҳужжатлари қабул қилинди.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш тўғрисидаги тегишли назорат идораларининг 22 мингдан зиёд аризаси кўриб чиқилди ва уларнинг беш мингдан зиёди асоссиз бўлганлиги учун қаноатлантирилмади.

Бундан ташқари, хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид 18 мингга яқин иш кўрилиб, улар фойдасига қарийб 36 миллиард сўм маблағ ундириб берилди. Давлат ва ўзини ўзи бошқариш идораларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан чиқарган 205 ҳужжати ноқонуний, деб топилди.

Бу йўналишдаги ишлар, айниқса, Тошкент вилояти хўжалик судида изчил йўлга қўйилган. Хусусан, шу йилнинг ўтган даврида тадбиркорлар манфаатлари кўзланган мингга яқин иш кўрилиб, улар фойдасига тўққиз миллиард сўмдан зиёд маблағ ундирилди.

– Кўрилаётган ишлар таҳлилидан асосий муаммо хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилаётган шартномалар ижросининг қониқарсиз аҳволи билан боғлиқлиги маълум бўлмоқда, – деди Тошкент вилояти хўжалик суди судьяси Зарифа Қурбонова. – Бир томоннинг масъулиятсизлиги иккинчи томоннинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатаётган ҳоллар кўп учрайди. Иккинчи томон кўп ҳолларда кичик тадбиркорлик субъекти бўлиб чиқиши ачинарли ҳол. Чунки бундай субъектларда иқтисодий жараён қатъий тартиб асосида, изчил амалга ошмайди. Натижада улар тезда иқтисодий инқирозга юз тутади. Шу боис йирик корхона ва жамиятларнинг бу борадаги масъулиятини оширишга қаратилган таъсир чоралари кўрилишига алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Мисол учун, "Дўст-малик" хусусий фирмаси ва "Чиноз пахта тозалаш заводи" очиқ акциядорлик жамияти ўртасида хизмат кўрсатишга оид шартнома имзоланган. Хусусий фирма томонидан жамиятда таъмирлаш ишлари олиб борилган. Жамият эса хизмат ҳақини тўлашни пайсалга солган. Ҳолбуки, шартномада хизмат ҳақи олдиндан тўланиши қайд этилган. Суд жараёнида даъвогарнинг ҳақли талаби инобатга олиниб, вақтида тўланмаган маблағ ҳамда кечиктирилган кунлар учун 8 миллион сўмдан ортиқ пеня ундириб берилди.

"Тоир ҳикмат ўғли" шўъба корхонаси ҳам 127-механизациялашган кўчма колонна томонидан шартнома шартлари тўлиқ адо этилмагани юзасидан шикоят қилди. Тадбиркорга асоссиз равишда зарар келтирилгани ҳисобга олиниб, кўчма колоннадан асосий қарздан ташқари, икки миллион сўмдан зиёд пеня ҳам ундириб берилди.

Асосий фаолиятини тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясига қаратаётган хўжалик судлари жамиятимизда хусусий секторнинг янада ривож топиши йўлида барча чора-тадбирларни кўрмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

БОБУРШОҲ САБОҚЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонда).

1505-1506 йил воқеалари. Бу муддат темурийлар хонадони учун ҳам, Заҳириддин Муҳаммад Бобур учун ҳам энг мураккаб, ҳаёт имтиҳонларига тўла пайт. Темурийлар салтанатини яксон қилишни умр мазмуни деб билган Шайбонийхон кун сайин кучга кириб, биринкетин шаҳар ва қишлоқлар, бекликлар ва султонликларни эгаллаб келмоқда эди. Айниқса унинг таҳдиди Султон Ҳусайн Бойқаро салтанати – Ҳиротни қўлга киритишга қаратилган ва кун сайин бу хавф кучайиб бормоқда эдики, бу Бобурга ҳам тинчлик бермас эди.

Ана шундай мураккаб бир даврда Заҳириддин Бобур ўзининг Кобул давлатини мустаҳкамлаш, Қандаҳор, Қалот, Аму дарёсининг ёқаларида олиб борилаётган жанглар билан банд эди. «Бобурнома»даги манбалар шундан гувоҳлик берадики, муҳорабаларнинг кўпида Бобурнинг ўзи қатнашган, бош бўлган ва шахсий жасорати билан қўшинга ҳам ҳарбий, ҳам маънавий куч бағишлаган. Бемалол айтиш мумкинки, унинг бу хислати қўлга киритган беҳисоб ҳарбий ғалабаларининг сабабчиси ҳам бўлган.

Мисолларга мурожаат этамиз. Ўша 1505-06 йилларда Бобур лашкарларига қарши Афғонистоннинг ҳазора қабилаларига мансуб аҳоли анча жиддий қаршилик кўрсатган.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ФОРМУЛА ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА

В последние годы темпы экономического роста в Узбекистане отличаются не только высокими по международным меркам значениями, но и, что особенно важно, устойчивостью. Посудите сами, если в 2003 году экономический рост составлял 4,2%, то в 2004 г. уже 7,7%, в 2005 г. – 7% и в 2006 году ожидается не менее 7,2%. Экономисты знают, что важны не только темпы, но и качество экономического роста, то есть за счет каких факторов достигнут экономический рост и какой эффект он имеет для населения страны. В оценках ряда международных экспертов и международных финансовых институтов при анализе источников экономического роста в Узбекистане нередко упоминается в качестве основного фактор благоприятной конъюнктуры мировых цен на сырьевые ресурсы. Размышлениям о том, что является источником экономического роста, что такое «голландская болезнь» и почему населению далеко не безразлично, за счет каких факторов достигнут экономический рост, посвящена эта статья.

(Продолжение на 8-й стр.).

Муштарийларимизга

ҲУШЁРЛИК, ОГОҲЛИК – ҚУРОЛИМИЗ

Истиқлолимизнинг 15 йиллик тўйига ҳам саноқли кунлар қолди. Айни кунларда ҳамма жойларда энг азиз, энг улуғ байрамимизни муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, биз фақат мустақиллик туфайли демократия, эркинлик нима эканлигини теран англаб етдик, демократия томон юз бурдик. Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинмоқда. Ҳур Ўзбекистонимиз дунё ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли субъект сифатида қўшилди. Мамлакатимиз дарвозаси ҳаммага очиқ. Истаган мамлакат биз билан борди-келди қилиши, тажриба алмашиши, билмаганларимизни ўргатиши ва аксинча биздан ҳам ўрганиши мумкин. Диёримизга илғор хорижий мамлакатлардан замонавий фан-техника ютуқлари маҳсулоти бўлмиш мукаммал технология, илм-фан кириб келмоқда. Ўз навбатида хорижликлар ҳам бизнинг бой илмий-маданий меросимиздан баҳраманд бўлишмоқда.

Сир эмас, мустақиллигимизнинг, тинч-осойишталигимизнинг, жонажон Ўзбекистонимизнинг, қолаверса, дунё тинчликсевар халқларининг душманлари бор. Улар терроризм, диний экстремизм деб аталмиш бало, нур-зиё душманларидир. Душманки, ўта маккор, ҳийлакор, қора куч, жиддий хавф. У ҳар он, ҳар дақиқада бош кўтариб қолиши мумкин. Уни бартараф этишга, йўқ қилиб ташлашга доимо шай турмоғимиз шарт.

Ҳар бир киши фақат ўзининг тинчлигини эмас, қўшнисининг тинчлигини ҳам ўйлаши керак. Бу борада жуда гўзал ўзбекона ҳикмат бор: «Қўшнинг тинч — сен тинч».

Лоқайдлик, бепарволик, бегамлик – катта иллат. Улардан фориғ бўлмоғимиз зарур.

Ватан ҳимояси шу заминда туғилган, вояга етган, тарбияланган, тузини тотган, Ўзбекистоннинг фарзандиман, деган ҳар бир фуқаронинг муқаддас вазифасидир. Бу вазифа ҳамиша битта: ҳушёрлик, ҳушёрлик ва яна ҳушёрлик!

Мустақил Ўзбекистонимизнинг Қуролли Кучлари шахсий таркиби айни кунларда ёзги мавсум ўқув машғулотларида фаол иштирок этишиб, ижтимоий-сиёсий тайёргарлигини, касбий маҳоратини янада юқори поғонага кўтариб, жанговар шайлигини оширишмоқда.

Ватанимизнинг жасур, мард ҳимоячилари ҳамиша ўз постларида ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлишган. Бундан сўнг ҳам шундай бўлиб қолажак.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, мустақиллигимиз абадийдир.

ТАҲРИРИЯТ.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

ЯГОНА ОИЛАДА

Ўзбекистон халқи 15 йилдирки янги ҳаёт, янги фуқаролик жамияти қуриш, унинг конституциявий асослари ва тамойилларини белгилаб олишда асосий қонунимизга таяниб, ягона оила сифатида ҳаёт кечириб келмоқда. Мазкур мақсадга эришишда «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун» деган теран маъноли тамойилга асосланиб иш кўрилмоқда. Миллий истиқлол ғоясининг устувор йўналишларидан бўлмиш миллатлараро тотувлик масаласи илгари сурилиб, у бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб инсонларнинг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратди ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этди. 1992 йил 13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази бу борада олиб борилаётган ишларнинг ёрқин намунаси бўлди. Ватанимиз истиқлолининг 15 йиллик тўйи арафасида марказ томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида унинг директори Насриддин Муҳаммадиев билан суҳбатлашдик.

(Давоми 8-бетда).

2 В ВОЕННО-ВОЗДУШНЫХ СИЛАХ

ПРОДЛЕВАЮТ «ЖИЗНЬ» САМОЛЕТАМ

4 МЕСЯЧНИК БЕЗОПАСНОСТИ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ

ИСПЫТАНИЕ МАРШЕМ

10 МК «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

АСКАРЛИККА ШАЙЛАНАР ЎҒЛОНЛАРИМИЗ

12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ

САҲНАДА ТУЙҒУЛАРИМНИ ЯШИРА ОЛМАЙМАН

ОКРУГЛАРДАН ХАБАРЛАР

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ

ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Офицер Обид Йўлдошев хизмат қилаётган жамоа вакиллари ҳам ёзги ўқув мавсум жанговар машғулотларида фаол иштирок этиб, ўзларининг касбий малака ва тажрибаларини орттирмоқдалар. Режага мувофиқ ўтаётган дала-ўқув машғулотларида юрт посбонларининг онгига: «Масъулиятли ва юксак малакага эга бўлиш, Ватанни ишончли ҳимоя қилиш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи», деган ушбу ўқув йили шиори сингигани боис, улар бор куч ва билимини, салоҳияти ва диққат-эътиборини айнан профессионал жангчи бўлишга қаратганлар. Ҳар бир машғулот, тўғри ва сифатли бажарилган топшириқ, ишончли саъй-ҳаракат, ўз вазифасига виждонан ёндашув умумжамоа ютуғи сари етаклаши аниқ. Ҳарбий хизматчиларнинг фаолиятлари ҳам шунга монанддир.

Майор Баҳром ОЛЛОЁРОВ.

Восточный военный округ

ПОМОГАЮТ ТРЕНАЖЕРЫ

В подразделении, где служит офицер Маъруф Джурабаев, не так давно обновили учебно-материальную базу для занятий по физической подготовке. Теперь воинам наращивать мышечную массу помогает современный тренажерный комплекс.

Среди тех, кто в часы самостоятельной подготовки любит бывать в тренажерном зале, следует назвать младших сержантов Бахтиера Назаралиева, Ильхома Тожибоева и Фархода Омонова. Летняя боевая учеба требует от всего личного состава значительных затрат сил и энергии. Поэтому сослуживцы все охотнее следуют примеру товарищей, заряжаясь на тренажерах силой и выносливостью.

Младший сержант Анвар АЛИМКУЛОВ.

Марказий ҳарбий округ

МУНОСИБ ТАРАДДУД

Офицер Воҳид Мўминов командирлик қилаётган тўпчилар жамоаси ёзги мавсум ўқув машғулотларини кўтаринки руҳда ўтказишмоқда. Ушбу жамоа назарий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида ўқув режасига кўра икки ҳафталик дала-ўқув машғулотларида иштирок этиб қайтди.

– Дала-ўқув машғулотлари, – дейди батарея командири катта лейтенант Сарвар Пардаев, – бизнинг назарий билимларни қай даражада эгаллаганимизни кўрсатиб берди. Машқлар давомида шунга ишонч ҳосил қилдикки, бутун шахсий таркибимизнинг жанговар шайлиги талаб даражасида. Айниқса, кичик сержантлар – Жамшид Каримов, Елчин Мингяшаров, Тўлқин Тагматов, оддий аскарлар – Ориф Дадажонов, Акром Ҳамроев, Тоҳир Турғуновлар чуқур билимга эга эканликларини машғулотлар чоғида амалий жиҳатдан аъло даражада намойиш этишиб, бошқаларга ўрнак бўлишди.

Ўқув режасига мувофиқ дала-ўқув машғулотларида фаол иштирок этиб қайтган шахсий таркибимиз эришган натижалардан тегишли хулоса чиқариб, Истиқлол байрами арафасида янада улкан марраларни забт этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Подполковник Мирзажамол ҒОФУРОВ.

Тошкент ҳарбий округи

МУСТАҚИЛЛИК – БЕБАҲО БОЙЛИК

Офицер Мавлон Юнусов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда қисм шахсий таркиби, туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашишди. Йиғилишда Истиқлолимизнинг бебаҳо бойлик эканлиги, юртимизда ҳукм сураётган тинчликнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш, мустақил юртимизда изчил кечаётган ислоҳотлар, фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари, эркинлик ва бурчлари, давлат, жамият ҳамда фуқаролар ўртасида демократияга асосланган янгича муносабатларнинг пайдо бўлаётганлиги ҳақида маърузалар тингланиб, фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Айниқса, офицер Дилмурод Рустамов, қисм хотин-қизлар кенгашининг раиси Муҳаббат Жумановаларнинг маърузалари йиғилганларга манзур бўлди.

Тадбир савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

Капитан Нурулло ОБИДОВ.

Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ

УЛУҒ АЙЁМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Халқимизнинг энг улуғ ва азиз байрами – Мустақиллик айёмига ҳам оз фурсат қолмоқда. Демак, катта тантаналарга муносиб ҳозирлик кўриш ишлари айни қизиган пайт, ҳозир. Севимли байрамимизни кўнгилдагидек нишонлаш, қолаверса, юрт посбонларининг жанговар руҳини янада кўтариш мақсадида округ қўмондонлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда Истиқлол байрамига бағишланган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда уларни мувофиқлаштиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилиш давомида ҳамкорликда ўтказилувчи тадбирлар дастури, қилиниши зарур ишлар белгиланди.

Катта лейтенант Акбар БЕКНАЗАРОВ.

Конкурс на лучшего специалиста артиллерии в Вооруженных Силах

КУЛЬМИНАЦИЯ НАПРЯЖЕННОЙ БОРЬБЫ

Именно так можно охарактеризовать прошедший второй этап состязания на лучшего специалиста артиллерии Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Предварительно перед началом состязаний был проведен строевой смотр. За внешний вид и экипировку с лучшей стороны были отмечены: среди командиров дивизионов – майор Т.Жумаев из ЮЗОВО, среди командиров батарей – старший лейтенант З.Хазиев из СЗВО, среди командиров групп – лейтенант Ж.Мамуров из ЮЗОВО.

Во время самоподготовки для участников была предоставлена вся необходимая учебная литература, приборы управления огнем и перископические артиллерийские буссоли. Само состязание состояло из четырех блоков испытаний. В первый вошли тесты по знанию положений Боевого устава артиллерии, Курса подготовки артиллерии, Правил стрельбы и управления огнем.

Во втором блоке командиров дивизионов и батарей ожидала тактическая «летучка», в ходе которой офицеры наносили обстановку на карты «с голоса», принимали решение на огневое поражение противника и составляли таблицу огня. Здесь также отличился майор Т.Жумаев. А командиры групп оценивались по знанию военной топографии и тактических знаков.

В третьем блоке офицеры выполняли огневые задачи на имитационных средствах на малом артиллерийском полигоне, где лучший результат сумел показать капитан А.Кодиров.

И наконец, в четвертом блоке конкурсанты состязались в выполнении одиночных нормативов по специальной подготовке, где не было равных старшему лейтенанту О.Филиппову из ЮЗОВО.

– Порадовало возросшее личное мастерство офицеров, прочные знания положений боевых уставов, Правил стрельбы и управления огнем, Курса подготовки артиллерии, – подчеркнул подполковник И.Ким. – Атмосфера состязательности и стремления к победе сочеталась с доброжелательностью соперников друг к другу. Победителей, конечно, определили, но проигравших не было, так как выросла боеготовность артиллерийских подразделений в целом.

Для молодых офицеров участие в данном состязании стало отличной школой профессионального мастерства. Лейтенант Ахмед Хамраев после первого курса обучения в Самаркандском ВВАКИУ продолжил учебу уже в Российской Федерации. Из посланцев Узбекистана, закончивших в 2005 году Казанское высшее артиллерийское командное училище, один удостоился золотой медали, трое получили дипломы с отличием. Вот и на этом конкурсе лейтенанты Ахмед Хамраев и Санжар Маматов заняли первое и второе места среди командиров групп, а третье досталось лейтенанту Владимиру Вольнову из ЦВО. Среди командиров батарей первую тройку составили уже упомянутые выше старшие лейтенанты З.Хазиев и О.Филиппов, а также старший лейтенант Б.Жуманов из ЦВО. В соперничестве командиров дивизионов победил капитан А.Кодиров, немного уступили ему майоры Ф.Кубаев (ЦВО) и Т.Жумаев (ЮЗОВО).

Итак, состязания завершены. Однако продолжается «заочный» спор за звание лучшего в решении задач конкурса по стрельбе и управлению огнем артиллерии, ведущегося на страницах газеты «Ватанпарвар».

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.
Фото **Тимура КАРИМОВА.**



КАТТА ОИЛАНИНГ БАХТИ

Навоий вилояти Хатирчи туманининг Олмазор қишлоғида 6 август куни бўлган тўйнинг довруғи етти маҳаллага тарқалди...

...Шу қишлоқдаги 24-мактабда ўқитувчилик қилиб келаётган Азамат ака Жалилов ёшларга физика-математика фанидан сабоқ беради. Умр йўлдоши Раъно Хушвақтова эса туман марказий шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлайди. Нодирбек уларнинг тўнғич фарзанди.

Аскар бўлишни орзу қилмаган йигит кам топилади. Нодирбек ҳам ўрта мактабни тугатдию, ҳарбийга отланди. Соғлом, билимли, иродали ва қатъиятли йигит орзусига эришди. Бир йиллик ҳарбий хизмат давомида командирлар назарига тушган Нодирбек Наманган вилоятининг Чортоқ шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактабига ўқишга жўнатилди. Унинг ҳаётидаги энг бахтиёр дамлар мана шу ерда бошланди.

Тинимсиз машғулотлар, ҳарбий сабоқлар унинг маҳоратини янада ошириб, жисмонан чиниқтирди. Президентимиз Ислом Каримов 2003 йили Чортоқ сержантлар тайёрлаш мактабида бўлган чоғида ҳарбийларга яратилган шарт-шароитлар билан танишар экан, бу ерда таҳсил олаётган йигитлар билан самимий суҳбатлашди.

«Қани, кимнинг тўйи яқин?» деб сўради Юртбошимиз суҳбат асносида.

«Яқинда менинг тўйим бўлади», деди Нодирбек.

Юртбошимиз оддий курсантни ўз фарзандидек меҳр билан бағрига босиб: «Тўйга мени ҳам таклиф қилиш эсдан чиқмасин», деди.

Давлатимиз раҳбарининг бундай юксак эътиборидан руҳланган Нодирбек сержантлар мактабини аъло баҳоларга тугатди. У мамлакатимиз Шарқий ҳарбий округга қарашли қисмлардан бирига хизматга юборилди.

Ўтган йилнинг 13 майида Андижонда содир этилган террорчилик хуружлари кўплаб ҳарбийларимиз қатори кичик сержант Нодирбек Жалилов учун ҳам катта синов бўлди. У Андижон шаҳридаги Чўлпон номидаги кинотеатр ёнидаги блок-постда жанговар вазифани аъло даражада бажариб, чинакам мардлик намунасини кўрсатгани учун давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Истиқлолимизнинг 15 йиллик байрами арафасида Олмазор қишлоғида, А.Жалилов хонадонида бўлиб ўтган тўй тантанасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Мудофаа вазири Р.Мирзаев Нодирбек Жалилов ва фарғоналик келин – Азизахон Шариповани бахт айёми билан муборакбод этиб, ёшларга Юртбошимизнинг табриги ва эзгу тилакларини етказишди ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғаларни топширишди.

Тўй тантаналарида Навоий вилояти ҳокими Б.Рўзиев иштирок этди.

Келин-куёвнинг ота-оналари, қариндош-уруғ, ёру дўстлари, қишлоқ аҳли Юртбошимизнинг ёшларга билдирган холис ниятларига қўшилиб, янги оилага бахт-саодат, фаровонлик тилашди.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

В Военно-Воздушных Силах

ПРОДЛЕВАЮТ «ЖИЗНЬ» САМОЛЕТАМ

Высокими достижениями в ратном труде готовятся встречать праздник 15-летия независимости военнослужащие подразделения, где служит офицер Шавкатжон Кадыров. В эти дни ими успешно ведутся регламентные работы на военно-транспортном самолете ИЛ-76, который после полного цикла обслуживания будет вновь летать в интересах Вооруженных Сил.

Огромная стальная птица, поражая воображение своими исполинскими размерами, словно ненадолго приземлилась на бетонке аэродрома. Однако время ее пребывания здесь напрямую зависит от мастерства и умения специалистов, обложивших ее стремянками и обнаживших «внутренности» воздушного судна.

– По плану проведения регламентных работ после 200-часового налета предусмотрены замена двигателя, ремонт радиоэлектронного и авиационного оборудования, авиационного вооружения, – рассказывает старший инженер майор Ахаджон Дадабаев. – В этой работе задействованы лучшие профессионалы нашего подразделения, скрупулезно и точно выполняющие все процедуры, предусмотренные технологическим процессом.

В ведении группы авиационных двигателей (АД) майора Тулкина Мамадалиева находится один из самых ответственных участков работы. И потому очень внимательно обследуют «сердце» самолета старший техник старший лейтенант Виталий Кининбаев и авиационный механик рядовой по контракту Фазлиддин Абдумаликов. Через их умелые руки прошло много самолетов, «сердце» которых не давало сбоев в небе.

Современное воздушное судно буквально напичкано сложнейшим радиоэлектронным оборудованием, обеспечивающим безопасность полета и бесперебойную связь с наземными службами. Поэтому старший лейтенант Артур Утяков и рядовой по контракту Джанибек Нишонов трудятся в кабине. Капитан Абдукарим Рахмонов из группы авиационного вооружения и десантно-транспортного оборудования работает на телферах самолета. Старший бортовой инженер капитан Шухрат Мамарасулов тянется с лестницы к своему участку работы. У каждого свои задачи.

Напряженный ритм ремонтно-восстановительных работ почти не оставляет времени на остальные дела. Поэтому свежие новости во время оперативного информирования от офицера-воспитателя капитана Собиржона Каримова о последних событиях в стране и в мире всегда очень кстати. Радуясь достижениям нашей Родины накануне ее 15-летнего юбилея, воины-авиаторы и сами готовятся преподнести к этой славной дате свой трудовой подарок. Когда самолет вновь возвратится в просторы «пятого океана» для обеспечения воинских перевозок, сердца воинов наполнятся законной гордостью – таков будет их личный вклад в укрепление обороноспособности независимого Узбекистана.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Тимура КАРИМОВА.**



БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

ЎТМИШИ ШАРАФЛИ, БУГУНИ САОДАТЛИ

Самарқанд ҳақида гап кетар экан, «Самарқанд сайқали рўйи заминаст» деган халқ ибораси беихтиёр ёдимизга тушади. Бу «ер юзининг сайқали» дегани. Бундай таъриф ҳар қандай шаҳарга ҳам берилавермайди. Берилган тақдирда ҳам муносиб бўлмаса, тезда унутилади.
Самарқанд дунёга машҳур шаҳар.



«Самарқанд ҳақида сўз кетганда, – деб ёзади ёзувчи Нусрат Раҳмат, – аввало Афросиёб, яъни Алп Эр Тўнга бобомиз эсга тушади. Баъзи тарихчилар Афросиёбни мифологик образ сифатида талқин этсалар, бошқа бирлари уни туркий халқлар давлатчилигининг асосчиси, баҳодир ва жаҳонгир подшоҳ сифатида улуғлайди. Ҳар икки ҳолда ҳам кўҳна Самарқанднинг қадим ўтмиши, унинг неча минг йилларни бўйлаётган муборак ёши ана шу буюк сиймо тарихи ва қадимда Афросиёб номи билан машҳур бўлган кўҳна шаҳар харобаларидан топилган инсониятнинг бемисл маданий тамаддунидан далолат берувчи осори атиқалар, мўъжизавий деворий расмлар, турфа ёдгорликлар билан чамбарчас боғланиб кетади».

Бизнингча, шу ўринда «Самарқанд» сўзининг келиб чиқиши тўғрисида бироз тушунча берсак, фойдадан холи бўлмайди. Шаҳарнинг номи Самар деган исмдан келиб чиққан деганлар ҳам бўлган. Унга «кент» (қанд) – қишлоқ, шаҳар деган сўз қўшилган эмиш.

Антик муаллифларнинг асарларида шаҳар Мароканда деб аталган. Бу ҳақиқатга янча яқин бўлиб, Мароканда – Самарқанд атамасининг юнонча айтилишидир. Бу «Семизкент», яъни «семиз қишлоқ» сўзининг бузиб талаффуз қилинишидир.

Бу қутлуғ диёрда жуда кўп буюк алломалар яшаб ўтган. Бу ерда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз фаолият кўрсатган. Йўлингиз тушиб шаҳарга бориб қолсангиз, дастлаб буюк бобомизнинг қабрини ва мустақиллик йилларида қад кўтарган маҳобатли ҳайкалини албатта зиёрат қилинг.

Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий каби мутафаккирлар илм борасидаги муваффақиятларини шу шаҳарда қўлга киритишган. Мир Алишер Навоий ҳам бу кўҳна шаҳарда бир неча муддат яшаб, ижод этган.

Мустақиллик йилларида кўҳна Самарқанд ҳар жиҳатдан ривожланиш сари юз тутди. Мақбаралар, мадрасалар асл ҳолига келтирилди. Хартанг қишлоғида Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Айни чоғда Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси капитал реконструкция қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва таклифлари билан 1997 йилдан буён ҳар икки йилда бир марта Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалини бугун бутун дунё билади.

Самарқанд шаҳри Юртбошимиз Фармонига кўра Амир Темур ордени билан тақдирланган.

Биз бежизга вилоят ҳақида ёзишни аввал унинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази тўғрисида мухтасарғина кириш сўзидан бошламадик. Чунки яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» Қарор қабул қилди. Самарқанд ўзбек давлатчилигининг тамал тоши қўйилган буюк шаҳарларимиздан бири.

Самарқанд вилоятининг ҳудуди 16,8 минг квадрат километрдан иборат. Навоий, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари билан чегарадош. Аҳолиси 2 миллион 900 минг киши. Таркибида 2 та шаҳар, 12 та шаҳарча, 14 та туман бор.

Самарқанд вилояти Помир-Олой тоғларининг ғарбий чеккасида, Зарафшон дарёсининг ўрта қисмида жойлашган. Рельефи, асосан кенглик бўйлаб чўзилган ва шимолдан Туркистон тоғ тизмаларининг тармоқлари Нурота тоғи, Оқтоғ, жанубдан Зарафшон тоғ тизмалари билан ўралган Зарафшон дарёси водийсидан иборат.

Фойдали қазилмалардан олтин, кумуш, вольфрам рудаси, флюорит, кварц, оҳактош, гранит, мергель, гипс, бенонит гили, абразив материаллар, минерал бўёқлар, мармар, корунд конлари, минерал булоқлар бор. Иқлими континентал, қуруқ иқлим.

Асосий дарёси – Зарафшон.

Вилоятда, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, украин, озарбайжон, арман, корейс, белорус, татар ва бошқа миллат вакиллари яшайди.

Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 2005 йилда 2004 йилга нисбатан 113,4 фоизга ошди.

2005 йилда давлатга 260 минг тоннадан ортиқ пахта, 267 минг тонна ғалла сотилди. Бу йил эса ҳозиргача 280,8 минг тоннадан ортиқ тайёрланган дон ҳисобидан 60,2 миллиард сўм даромад олинди. Унинг 7,4 миллиард сўми соф фойда бўлиб, бу ўтган йилдагига 1,5 бараварга кўпдир.

Самарқанд шаҳрида 7та олий ўқув юрти фаолият кўрсатаяпти.

Вилоятда 7та академик лицей, 3 та лицей ва лицей-интернат, 80та касб-ҳунар коллежи мавжуд.

1194 мактаб ва 11 та махсус интернатда 702 минг нафардан ортиқ ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларга 55 мингга яқин ўқитувчи таълим-тарбия беряпти. Шунингдек, вилоятда 4та Меҳрибонлик уйи ҳам мавжуд.

Вилоятда 743та оммавий кутубхона бор. Уларнинг 661таси қишлоқларда жойлашган. Барча зиё масканларининг умумий китоб фонди 5 миллион нусхадан ортиқ.

Вилоятда 96 та шифохона, 384 та қишлоқ врачлик пунктлари мавжуд. Уларда 8154 нафар шифокор ва 24187 нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият кўрсатмоқда.

«Ўтган ўн беш йил мобайнида вилоятда саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида улкан ишлар амалга оширилди,– деб ёзади Ҳасан Нормуродов.– Бунда автомобиль ишлаб чиқарувчи корхона очилгани, айниқса, катта воқеа сифатида эътироф этилди. Эндиликда Самарқанддан чиқаётган автобус ва юк машиналарига Россия, Украина, Қозоғистон каби Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳам харидор. Бу эса мустақиллик фарзанди «Сам Кочавто» Ўзбекистон–Туркия қўшма корхонаси нуфузининг ошиб бораётганлигидан далолат беради. «Сино» корхонаси маҳсулотлари–музлатгич ва совутгичларнинг сифатини айтмайсизми?»

Вилоят саноатида кичик бизнеснинг улуши йилдан-йилга ортиб, бормоқда. Масалан, бундан ўн йил аввал ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 3 фоизини ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб бу рақам 54, 5 фоизга етган.

Вилоят меҳнат аҳли қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам истиқлол йилларида мақташга арзигулик муваффақиятларни қўлга киритишмоқда.

Мустақиллик йилларида таълим, соғлиқни сақлаш, спорт соҳаларида ҳам самарали ишлар амалга оширилди.

Президентимиз шундай дейди: «Самарқанд диёри умумбашарият цивилизациясининг Рим сингари қадимий бешикларидан бири сифатида бутун ер юзида тан олиниши, унинг беқиёс табиати, кенг маънодаги унумдор замини, номлари жаҳон тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган мумтоз зотларини бергани билан барчамиз чексиз фахрланамиз».

Хуллас, республикамизнинг бошқа вилоятларида бўлганидек, Самарқанд вилоятида ҳам ўзгаришлар оламжаҳон, янгиланишлар беқиёс. Буларнинг барчасига Истиқлол шарофати билан эришилмоқда.

Самарқандликлар мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйини ана шундай ажойиб муваффақиятлари, бунёдкорлик ишлари билан қарши олишмоқда.

Подполковник
Абдураззоқ ОБРЎЕВ.

Твои герои, Узбекистан!

НЕРАЗРЫВНЫЕ УЗЫ

Накануне Дня защитников Родины Указом Президента Республики Узбекистан за проявленное мужество и самоотверженность в охране мирной жизни нашего народа и добросовестное выполнение служебного долга медалью «Шухрат» был награжден сержант Джахонгир Шамсутдинов.

Обычная для людей его поколения биография у сержанта Джахонгира Шамсутдинова. Родился, жил и учился в Бозском районе Андижанской области. Получил среднетехническое образование. Затем – срочная служба в армии по военной специальности связист. Армейская жизнь молодому человеку пришлась по душе, и он остался на контрактную службу. Окончил школу подготовки сержантов. На сегодняшний день у него девятилетний стаж службы в Вооруженных Силах. И специальность у Джахонгира интересная – он начальник радиостанции.

Часто вспоминает Джахонгир первые дни службы. Вот он командир секции. Многие его подчиненные до сих пор вспоминают его добрым словом, так как был он всегда строгим и в то же время отзывчивым младшим командиром.

– Какую фразу начинающий солдат произносит чаще всего? – спрашивает сержант Шамсутдинов.

И сам же отвечает: – Чаще всего он говорит: «Я не успел». Новичок действительно не успевает на первых порах, не укладывается в ритм воинской жизни. Что делать? Взыскивать? Но ведь он хочет успевать. Взыскивать в этом случае – значит обидеть. Научить успевать – вот главное.

...«Подъем». Эта команда вмиг разбудила, подняла на крепкие ноги молодых людей. Смотрит на часы сержант – секундная стрелка пошла еще на один круг. Не успевает молодежь.

– Смотрите, товарищи солдаты, как надо действовать, – показывает сержант Шамсутдинов своим подчиненным.

...Через неделю новобранцы с гордостью говорили, что они поднимаются по утрам в считанные секунды, как их командир секции.

У сержанта Д. Шамсутдинова со времени срочной службы выработался свой внутренний закон: перед отбоем каждый из подчиненных обязан был доложить командиру о своей готовности к следующему дню. И эта готовность всегда была полной – от знания расписания занятий до внешнего вида. Благодаря усилиям младшего командира его секция не раз становилась одной из лучших в соревновании.

Устав внутренней службы обязывает дорожить войсковым товариществом, помогать сослуживцам словом и делом, удерживать от недостойных поступков и всегда быть в готовности выручить их из опасности. Сержанта Д. Шамсутдинова не надо призывать помогать. В трудную минуту он всегда оказывается рядом. И помощь его – от души, от чистого сердца, от горячего стремления видеть сослуживца сильным, мужественным, умелым воином. И командиры, и старшие начальники, и друзья по службе с глубоким уважением говорят о нем: «О, это надежный товарищ! С ним хоть сейчас в разведку!»

– Учить подчиненных тому, что необходимо для победы в современном бою, и в условиях, максимально приближенных к боевым действиям, – вот основной принцип подготовки наших воинов, – говорит сержант Д. Шамсутдинов. – Поэтому главным учебным классом для нас является поле. Только там можно создать такие условия.

Для экипажа радиостанции, которую возглавляет сержант Д. Шамсутдинов, каждое тактическое учение – это своеобразная репетиция боевых действий. Репетиция, в ходе которой воины привыкают к боевой обстановке, приобретают опыт комплексного использования всех знаний и навыков. Ну а всякая репетиция к тому же еще и проверка степени их воинской зрелости.

Сержант Д. Шамсутдинов и его подчиненные на учениях всегда действуют, как в бою. Здесь всегда отличаются с лучшей стороны младшие сержанты Анвар Машрабов и Исдом Полванов. За время службы им уже доводилось участвовать в боевых операциях по ликвидации банд террористов и религиозных экстремистов. И тогда они действовали четко и слаженно.

На одном из тактических учений начальник радиостанции сержант Д. Шамсутдинов обеспечивал беспрерывность связи командира подразделения с вышестоящим командованием. С поставленными задачами он успешно справился, за что и был отмечен.

Неразрывными узами связаны с родным народом наши Вооруженные Силы. И это закономерно. Ведь наша армия – это такие люди, как сержант Д. Шамсутдинов и многие другие. Это наше славное настоящее. И это крепкая надежда на то, что и в будущем сохранится мир на узбекистанской земле.

Сергей БУДАЕВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

ВОЕННАЯ РЕФОРМА: ГРАНИ ЛИЧНОСТИ ВОЕННОСЛУЖАЩЕГО

На девятой сессии Олий Мажлиса второго созыва Президент страны Ислам Каримов, характеризуя наши Вооруженные Силы, отметил: «В общественном сознании они все больше рассматриваются как плоть от плоти народа, как одна из важнейших составляющих нашей национальной государственности и независимости, как объект нашей всеобщей гордости». Руководствуясь этим, думаю, мы можем смело утверждать, что результатом военной реформы явилось еще одно важное достижение – это новый духовный, нравственный облик нашего военнослужащего – солдата, сержанта, офицера.

Сегодня, накануне 15-летнего юбилея нашей независимости, нельзя не заметить, что произошло как бы сближение судеб каждой отдельной личности и общества в целом, каждого отдельного военнослужащего и всего нашего военного организма. Повысились роль, значение и ответственность всех граждан за судьбу независимости.

Наш военнослужащий на современном этапе выступает как фигура народная, историческая, в определенной мере отражающая наше героическое время.

Потому возможно и необходимо выделить некоторые из граней личности сегодняшнего защитника Родины.

Грань первая. Это осознание каждым военнослужащим того, что высший смысл его деятельности состоит в постоянной готовности к защите самого дорогого и самого ценного, что у нас есть – нашей независимой Отчизны. Это осознанное чувство сформировалось на благодатной почве неизмеримо **возросшего национального самосознания.** Расцвет национальной экономики, духовности и культуры, укрепление подлинного суверенитета и независимости страны, укрепление ее авторитета на международной арене, естественно, вызывают и рост национальной гордости народа. На базе этого укрепляются мир и стабильность, гражданское и межнациональное согласие, взаимопонимание и сплоченность населяющих республику народов. **Национальное самосознание выступает в данном случае как важнейшая объединяющая, цементирующая, духовно-нравственная и политическая сила, которая помогает нашему народу в успешной борьбе за упрочение независимости, реализацию намеченных реформ строительства государства с великим будущим.**

Сегодня в лице каждого военнослужащего мы видим личность волевую, сильную, духовно богатую, беспредельно преданную своей независимой Родине, народу и Президенту.

Вторая грань. Она связана непосредственно с процессом поддержания высокой боевой готовности Вооруженных Сил, совершенствования боевой подготовки, с профессионализмом и боевым мастерством военнослужащих. При этом нельзя забывать, что технический аспект боевой готовности сегодня как никогда связан с нравственным аспектом человека, и прежде всего с ответственностью воина за личную боевую готовность, боеготовность подразделения, части. В моральной и социальной ответственности, как в зеркале, видны отношение человека к воинскому долгу, понимание им того, насколько он своими решениями и действиями может повлиять на выполнение стоящей задачи, на судьбы других людей, на безопасность Родины.

Не будет преувеличением сказать, что военная реформа подняла ответственность наших военнослужащих на должную высоту, повысился интеллектуальный уровень процессов боевой и общественно-политической подготовки, выросло профессиональное мастерство воинов, ответственность и компетентность командиров и начальников. Сегодня мы можем утверждать, что нашим военнослужащим присуще глубокое понимание того, что повышать бдительность и боевую готовность, надежно стоять на страже независимости и мирной жизни народа – это святая и первейшая обязанность всех военнослужащих.

Третья грань. Верность наших воинов традициям и заветам великих предков. Наш воин – наследник и продолжатель традиций великих предков и героических дел старших поколений. Он это наследие воспринимает не просто как данную ему нашим прошлым реальность, а сердцем переживает ее, когда мысленным взором окидывает нашу героическую историю. И тогда перед ним встают образы истинных героев-самородков, патриотов родной земли, среди которых бесстрашный Джалолиддин Мангуберди и его сподвижник Нижметдин Кубро, не знающие преград воины великого Амира Темура и Захириддин Бабур, строители Большого Ферганского канала и защитники Высоты героев Востока, освоители Голодной степи, а рядом с ними – наши отцы и деды, стоявшие у истоков нашей независимости, строители правового, демократического государства, гражданского общества.

«Нация, – говорил глава нашего государства, выступая на открытии памятника Ахмаду аль-Фаргони, – которая взрастила таких великих личностей, как Мухаммад аль-Хорезми, Абу Райхон Беруни, Ибн Сино, Мирзо Улугбек, Имам аль-Бухари, Имам ат-Термези, Алишер Навои, внесших свой бесценный вклад в человеческую цивилизацию, прославивших на весь мир нашу страну и навечно запечатлевших ее в истории, может безгранично гордиться их именами».

Думаю, далеко не случайно, что в течение столетий на нашей земле рождались такие выдающиеся личности. Потому что для этого существуют на ней вековые традиции, соответствующие условия, интеллектуальная школа, культурно-духовная атмосфера, закономерное стремление к добру и справедливости.

Грань четвертая. Она связана с всесторонним развитием личности военнослужащего, укреплением национального менталитета. Сегодня военнослужащий Вооруженных Сил Республики Узбекистан – высокообразованная личность. В армию приходят выпускники средних школ, лицеев и колледжей, а нередко и вузов. Они всесторонне развиты в общественно-политическом и физическом отношении. Они знакомы с интернетом, новейшими информационными технологиями. Разнообразнее стал их духовный мир, изменились привычки, вкусы и увлечения. У каждого из них свой характер, свое видение мира. **Но всех их сегодня объединяет одно главное качество – верность своей независимой Родине, идеалам независимости, нашей национальной идее.** Даже перед натиском массированной информационной атаки западных СМИ, перед лицом беспредельного идеологического шабаша наши воины, как и весь народ, выстояли, выдержали серьезное испытание. Наша политическая и моральная стойкость прошли проверку на прочность и дали возможность главе нашего государства заявить всему миру, что **наш народ никогда и ни от кого не будет зависеть.** Это твердо должны усвоить и террористы, и экстремисты, и их недальновидные спонсоры. **Не быть покоренными – это одна из важнейших слагаемых нашего национального менталитета.**

Наш воин сегодня прочно опирается на образование, общую и правовую культуру, на профессиональное мастерство. Интеллектуализация армии – это не пустой звук. Это сегодня насущная необходимость, в основе которой овладение глубокими и обширными военными, профессиональными, общественно-политическими знаниями и одновременно увеличение темпов их приобретения. Лишь опираясь на обширные и прочные знания и навыки, можно стать подлинным профессионалом и компетентным специалистом. А это немаловажный фактор для боевой готовности Вооруженных Сил. Потому что профессионализм дает возможность более глубоко и всесторонне учитывать характер, особенности боевых действий в различных условиях обстановки, знать не только свое конкретное дело, но и думать за противника, разгадывать его замыслы и тактику и на основе глубокого анализа действовать с максимальной эффективностью и отдачей.

Пятая грань. Ее можно сформулировать таким образом: сегодня каждый наш военнослужащий постоянно ощущает любовь народа к своей национальной армии и гордится доверием народа. Не скроем, военная служба – очень сложное искусство. Очень ответственное и нередко очень опасное. Но тем не менее в последние годы, и это доказано практикой жизни и военной службы, наши матери и отцы в абсолютном большинстве своем с готовностью и радостью отправляют своих сыновей в армию. Будь то срочная или контрактная служба. Это наглядное свидетельство того очевидного факта, что в нашей независимой стране происходят глубинные процессы в интересах людей и что **неизмеримо возрос престиж военной службы, авторитет военнослужащего.**

Каждый день приближает нас к юбилею независимости. Уже сам этот факт становится для нас организующим моментом, стимулом для повышения деловитости и ответственности. Для каждого военнослужащего, и прежде всего для командиров и их заместителей по воспитательной работе, сегодня нет дела важнее, чем поднять планку организации боевой учебы и дисциплины на уровень современных требований. В этот предпраздничный период как никогда важны четкость, знание дела, взаимопонимание, исполнительность, постоянное следование требованиям воинских уставов.

Организуя практическую работу, надо постоянно учитывать особенности современной военно-политической обстановки в мире и регионе, настойчиво овладевать наукой побеждать, закалять себя морально и психологически, закалять свою волю, чтобы не терять бодрости духа в самых сложных условиях боевой обстановки.

Анфим ХЛЫЗОВ.

Ёш офицерлар – Қуролли Кучларимиз келажаги

ЮРТИМИЗ АСРАЙМИЗ МАРДОНА

«Қуролли Кучларимиз доимо мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўз ҳаётини дунёдаги энг муҳим ва олижаноб вазифа – Ватан ҳимоячиси деган шарафли касбга бағишлаган инсонлар эса давлатимиз ва жамиятимизда ҳамиша юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносиб бўлиб қолажак...» деган эди Юртбошимиз. Дарҳақиқат, бугун озод диёримизнинг осойишталигини асрашдек устувор мақсадни кўзлаб эл хизматига бел боғлаган мард, жасур ўғлонларимиз ҳарбийликни ўзларига шараф деб, тақдир деб билиб, соҳага дадил кириб келишмоқда. Улар бўлажак профессионал армиямизда чинакам профессионал посбон бўлишни кўзлаган, ҳеч қайси соҳада ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлаб келаётган шунқорлардир. Катта лейтенант Қаҳрамон Шомуродов ҳам ана шундай азаматлар сирасидан. У ҳар жиҳатдан ўз бурчига ва қасамёдига содиқ бўлишни кўзлайди. Зеро, посбоннинг исми ҳам уни улуғворликка, дадилликка чорлаб турибдики, Қаҳрамон ана шу номга ҳар томонлама муносиб бўлиб, асло шаънига доғ туширмаслик мақсадидадир.

Шерюрак ўғлон айни пайтда Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округдаги ҳарбий қисмлардан бирида масъул вазифалардан бирида хизмат қиляпти. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини аъло натижалар билан тамомлагач, ёш командирнинг вужудидан ёғилиб турган куч-қувват, шууридан акс этган ғайрат-шижоат, жасорат ва мардликка ташналик ифодаларини кўрган юқори қўмондонлик уни взвод командирлиги вазифасига тайинлади. Ишончни оқлаш улкан ифтихор деб билган сардор хизматга шўнғиб кетди. Қаранг, юқори қўмондонликдагилар унга ишониб адашмаган экан, икки йил давомида взводга етакчилик қилган ёш, шиддаткор ўғлоннинг қўл остидагилар билан бирор марта кўнгилсиз ҳодиса юз бермади. Қайтага Қаҳрамон командирлик қилаётган взвод жанговарлари ҳар доим қўйилган топшириқни вақтида, сифатли ва аниқ адо этиши билан бошқаларга ибрат бўлди.

Бу ўринда иқтидорли командирнинг алоҳида ўрни, хизмати борлигини эътироф этмоқ жоиз. Чунки у ҳаммага бирдай ишончли дўст, талабчан устоз, меҳрибон сафдош ва билимдон етакчи сифатида довруқ қозонганди. Билдирилган ишончни оқлаган, бир неча бор жанговар-тактик ўқув машғулотларида ўзини кўрсатган, ҳарб илми сабоқларида яхши натижаларга эришган командирга навбатдаги ҳарбий унвон бериларкан, уни энди бемалол юқорироқ лавозимга тайинлаш мумкинлигини барча эътироф этди. Зеро, у шунга муносиб, муваффақиятга тинимсиз изланишлари ва фидойилиги билан эришган шунқор эди-да!

– Ҳарбий хизмат мен учун шараф, айни чоғда тақдир дёсам ҳам бўлади, – дейди биз билан суҳбатда нигоҳидан шиддат чақнаган Қаҳрамон. – Ёшлигимдан шу соҳага кўнгил қўйдим ва мақсад йўлида бор имкониятим билан олға интилдим. Истагимни эшитган онам аввалига, ҳарбий хизмат доимо мардлик, жасорат талаб қиладиган машаққатли ва масъулиятли соҳа, эплай оласанми, дея хавотирга тушдилар. Яхшилаб ўйлаб кўриб, кейин бир қарорга келишимни сўрашди. Аммо мен аллақачон қатъий қарорга келгандим. Бу ҳақда хабар топган амаким Акром Шомуродов менга руҳий далда ва қимматли маслаҳатлар бераркан, астойдил олға интилсанг, қийинчиликларни мардона енгиб ўтсанг, марра сеники, дедилар. Бу йўлда спорт ва яхши ўқиш энг биринчи кўмакдош бўлишини тушунтириб бердилар. Шу сабаб, спорт билан мунтазам шуғулланадиган бошладим, дарсларни қунт билан ўзлаштирдим. Мақтанянпи деманг-у, киокушинкайкан каратэ-до клубига аъзо бўлиб, 8-куй соҳиби бўлганман. Энг севимли машғулотим ҳам спорт, жанговар-тактик тайёргарликлар. Ушбу машғулотларда шуғулланиб, толиққанимни билмайман. Бошлаган ишимни охирига етказгунимча дам олиш ёки овқатланиш ҳам эсимга келмайди. Мана, юртимизда энг улуғ, энг азиз байрамимиз бўлган мустақиллик шодиёналарининг 15 йиллик тўйини муносиб қарши олишга барча жойда қизғин тайёргарлик кетмоқда. Биз ҳам шахсий таркиб билан жанговар тайёргарликларда эришган ютуқларимизни ана шу қутлуғ санага тўёна деб биламиз. Эзгуликка ёт ғояларни, жаҳолатпараст оқимларни қоралайман. Бор куч ва имкониятимни Ватан осойишталигига сарфлайман! – дейди ўғлон ғурур билан.

Қаҳрамоннинг ютуқларида унинг севимли турмуш ўртоғи Гулнозахоннинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини айтиб ўтмоқ жоиз. У умр йўлдошини ҳар жиҳатдан тушунадиган, қўллаб-қувватлайдиган ғамхўр бека. Таъбир жоиз бўлса, ҳарбий хизмат машаққатини бабаравар тортиб, эрига доимо елкадош бўлиб келмоқда. Гоҳида Қаҳрамон хизмат сафарлари ёки жанговар топшириқларда бўлганида, кўзларининг оқу қораси бўлган фарзандлари Эсонжонга ҳам она, ҳам оталик қилиб, падар ўрнини билдирмай, рўзғорнинг барча масъулиятини ўз гарданига олиб туради. Ана шундай вафодор аёли борлигидан фахр-ифтихор ҳиссини туйган Қаҳрамон оиласи, ота-онаси ва ватандошлари осойишталигини асраш учун янаям кўпроқ масъулият ҳисси билан хизмат бурчига ёндашади. Бундай ўғлонлари бор юртга эса ҳеч ким ғараз нигоҳ билан бўйлай олмайди.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ, «Ватанпарвар» мухбири. Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

МИННАТДОРМАН, ЎҒЛИМ, ПОСБОНИМ!

Тоғда яшашнинг ўзига яраша гашти бор. Мусаффо ҳаво, йилнинг тўрт фаслида ҳам бири-биридан гўзал, мафтункор манзаралар кўзни қувонтиради. Бироқ тоғликлар бунга кўникиб кетишган. Улар учун кундалик юмушларни ўз вақтида бажариш, тик қояларда мувозанат сақлай билиш, эпчиллик билан эркин ҳаракат қилиш, у тошдан бу тошга сакраш малакаси муҳимроқ. Аммо фалокат оёқ остида, деганлари рост экан. Ўтган йил ёз ойининг бошларида, ўша мудҳиш воқеа содир бўлган куни Камолиддин Раупов Шеробод туманининг тоғли Танги қишлоғида яшайдиган бобоси Эргаш бобонинг ҳовлисида пичан йиғиштиришга ёрдамлаша туриб, қандай қилиб заҳарли илон ҳамласига дучор бўлганлигини билмай қолди. Кучли оғриқ вужудини сирқирата бошлагач, жон алфозда бақира бошлади. Набирасининг дардига малҳам тополмай шошиб қолган бобо аввал ўзини йўқотиб қўйди. Болага зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатилмаса, фалокат юз бериши тайин. Ҳар дақиқани ғанимат билган отахон чор-атрофга аланглаб нажот излай кетди. Не бахтки, қишлоқ яқинида «Хатак» чегара пости жойлашган. Эргаш бобо ҳаллослаганча постга қараб чопди. Камолиддиннинг бахти бор экан. Пост бошлиғи катта лейтенант Бахтиёр Исаев ва у бошчилигидаги чегарачи ўғлонлар жабрдийданинг жонига оро кирдилар. Уни жанговар машинада зудлик билан туман касалхонасига олиб боришди. Чегарачиларнинг тезкор ҳаракати туфайли бир инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинди. Бир инсоннинг, бутун бир оиланинг қалби миннатдорчилик туйғулари билан тўлиб-тошди.

Ҳаёт тасодифларга тўла. Эргаш ота Сайдуллаевнинг оиласида яқинда яна бир кўнгилсиз ҳодиса рўй берди. Термизлик невараси Отабек Сайдуллаев ҳам эҳтиётсизлиги туфайли баланд тоғликлардан иборат Тангидувол деган жойда фалокатга йўлиқди: тоғ ораворларини териб юрган чоғида оёғи сирпаниб кетиб, тик қоядан пастликка қулади. Оқибатда кучли жароҳат олиб, ҳаракатлана олмай қолди. Бу сафар Эргаш бобо ҳеч иккиланмасдан чегарачилардан мадад сўради. Яна уларга мурожаат қилди. «Хатак» чегара пости бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лейтенант Шерзод Тангировга ҳалокатга учраган неварасини қишлоқ тиббиёт пунктига олиб боришда ёрдам беришларини илтимос қилди.

Чегарачилар оғир жароҳатланган йигитни аввал чегара пости тиббиёт пунктига, илк ёрдам кўрсатилгач эса қишлоқ тиббиёт пунктига олиб боришди. Кейин бемор Термиз вилоят клиник шифохонасида бир неча марта жарроҳлик йўли билан даволанди. Бугунги кунда Отабек Сайдуллаевнинг аҳволи анча яхшиланди. Тез кунларда шифокорлар унга жавоб беришади.

Ҳа, ҳар иккала навқирон йигит ҳам бошидан ўтган қийинчиликларни кўрмагандек бўлиб кетишди. Лекин энг оғир, инсон ҳаёти учун ўта хавфли бўлган лаҳзаларда мададкор бўлган, уларнинг азиз жонини, ҳаётини сақлаб қолган чегарачи посбонлар катта лейтенант Бахтиёр Исаев, лейтенант Шерзод Тангиров, шартнома бўйича хизматчилар – пост фельдшери, кичик сержант Фарҳод Турсунов, оддий аскарлар Отахон Ҳамроев ва Аҳрор Мирзамуродов, ҳайдовчи Анвар Абдурасуловларнинг бефараз ёрдамлари, куйинчакликлари уларнинг ёдидан асло чиқмайди. Бутун тангиликларнинг юз-кўзларидан миннатдорчилик туйғулари балқиб туради. Юртимиз, халқимиз тинч, осойишта ҳаётини туну кун қўриқлаётган, ёрдамга муҳтож инсонларга ҳар лаҳзада бефараз ёрдам беришга тайёр турган чегарачи посбонларнинг номи ҳар тонг Эргаш бобонинг дуоларида қайта-қайта жаранглаяпти. Одамлар кўнглидан жой олган, уларнинг чексиз миннатдорчиликларига сазовор бўлиб келаётган чегарачи ўғлонларимиз билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА, «Ватанпарвар» мухбири.

МЕСЯЧНИК БЕЗОПАСНОСТИ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ

ИСПЫТАНИЕ МАРШЕМ

Для автомобильной техники, находящейся на длительном хранении, перегон из пункта постоянной дислокации части на большие расстояния является серьезным испытанием. Недавно такое испытание на мобильность и боевую готовность техники успешно выдержали воины подразделения, где служит капитан Хушнуд Ортиков. Личный состав показал высокий профессионализм и умение гарантировать безопасность движения во время марша.

В задачи старшего техника автомобильного взвода младшего сержанта Искандара Сойибова входит и обязательная периодическая проверка стоящей на хранении техники. Причем дело не ограничивается контролем над сохранностью пломб и печатей, выполняются и другие предусмотренные регламентом работы. Строгое следование технологии этих работ и стало надежным фундаментом для успешного проведения перегона.

Еще одним важным элементом подготовки машин к совершению марша по заданному маршруту является ее техническое обслуживание на авторемонтном заводе. Сотрудники предприятия во главе с заместителем начальника по качеству подполковником Х.Абдурахимовым отнеслись к порученному делу со всей серьезностью. Главной оценкой их труда является тот факт, что за все время марша на сотни километров ни одна машина не останавливалась по причине неисправности.

Следует отметить и высокий уровень обеспечения безопасности движения в пути следования колонны со стороны сотрудников военной автоинспекции, возглавляемых начальником ХАН Джизакского гарнизона майором С. Преображенским. На протяжении всего пути инспекторами ХАН обеспечивался «зеленый свет» колонне автомобилей.

Однако решающий вклад в успешное преодоление испытания внесли все же водители машин. Такие профессионалы своего дела, как старший водитель младший сержант Неъмат Кузибоев. Потому помощь ехавшей в колонне «технички» так и не понадобилась...

Опытный водитель вот уже восьмой год служит по контракту, а путь его в ряды военных профессионалов ничем не отличается от товарищей. Сначала учеба в автошколе ОСО «Ватанпарвар», потом срочная служба водителем в подразделении обеспечения. Именно здесь, в армейской семье, со всей полнотой раскрылись профессиональные качества водителя благодаря помощи наставников и командиров.

Это испытание перегоном со всей очевидностью показало возросший за годы военной реформы уровень ремонтно-восстановительной базы в нашей армии, готовность водительского состава к выполнению различных учебно-боевых задач, четкую организацию работ по безопасности движения сотрудниками ХАН в гарнизонах. Кстати, ратный труд военнослужащих, о которых говорилось выше, по достоинству оценен руководством. В соответствии с приказом Памятного знака министра обороны были удостоены майор С. Преображенский, младшие сержанты И.Сойибов и Н.Кузибоев, поощрены премиями и сотрудники авторемонтного завода.

Труд сотен людей сегодня направлен на то, чтобы военная техника оказывалась в нужное время в заданном месте. Фактор мобильности является очень важным элементом боевой готовности Вооруженных Сил.

Майор Алишер НУРЛАНОВ. Фото Тимура КАРИМОВА.

Внимание: конкурс!

БУДЬ ВНИМАТЕЛЕН НА ДОРОГЕ

Уважаемые читатели! Продолжается конкурс «Будь внимателен на дороге», организаторами которого являются ХАН Министерства обороны и редакция газеты «Ватанпарвар». Напоминаем, что участников, набравших наибольшую сумму баллов, ожидают поощрительные призы.

Ответы на конкурсные задания необходимо присылать по адресу редакции не позднее четверга следующей недели – 17 августа. Дата отправления будет сверяться с почтовым штемпелем. Удачи вам, и ждем ваших писем!

ОРГКОМИТЕТ КОНКУРСА

ВОПРОСЫ ВТОРОГО ТУРА

1. Если ширина проезжей части недостаточна для разворота из крайнего левого положения, допускается ли производить его от правого края проезжей части или с правой обочины?

а) допускается только от правого края проезжей части;

б) допускается. При этом водитель, производящий разворот, должен уступить дорогу попутным и встречным транспортным средствам;

в) не допускается.

2. Ближе какого расстояния от железнодорожных переездов и населенных пунктов запрещается стоянка транспортных средств?

а) 300м, б) 150м, в) 100м, г) 50м, д) 25м.

3. При движении в темное время суток на освещенных участках дорог на механическом транспортном средстве должен быть включен:

а) ближний свет фар;

б) дальний свет фар или габаритные огни;

в) ближний свет фар (противотуманные фары) или габаритные огни.

4. Для прекращения начавшегося заноса автомобиля водитель должен:

а) повернуть рулевое колесо в сторону начавшегося заноса;

б) повернуть рулевое колесо в сторону, противоположную заносу;

в) нажать на педаль тормоза.

5. Что принимается за «полную массу» состава транспортных средств?

а) только полная масса автомобиля;

б) сумма полных масс транспортных средств, входящих в состав;

в) только полная масса прицепа.

6. Запрещается ли проводить через железнодорожный переезд сельскохозяйственные, дорожные, строительные и другие машины?

а) разрешается, если получено разрешение начальника дистанции пути железной дороги;

б) разрешается;

в) запрещается в нетранспортном положении;

г) запрещается.

7. Перед началом движения после остановки перед железнодорожным переездом водитель должен:

а) начать движение через переезд со скоростью, обеспечивающей безопасность движения;

б) проехать переезд на первой передаче;

в) убедиться в отсутствии приближающегося поезда.

8. Что такое «полная масса»?

а) грузоподъемность транспортного средства;

б) фактическая масса транспортного средства;

в) масса снаряженного транспортного средства с грузом, водителем и пассажирами, установленная предприятием-изготовителем в качестве максимально допустимой;

г) масса груза, перевозимого транспортным средством, которая устанавливается в качестве допустимой технической характеристикой завода-изготовителя.

9. Для экстренной остановки на сухой дороге необходимо:

а) выключить сцепление, после чего незамедлительно нажать педаль тормоза;

б) выключить передачу и резко нажать на педаль тормоза;

в) нажать на педаль тормоза без выключения сцепления.

10. Каким образом должно быть обозначено буксируемое механическое транспортное средство при неисправности габаритных огней?

а) сигнальными флажками;

б) знаком аварийной остановки, укрепленным на нем сзади;

в) впереди фонарями белого, а сзади красного цвета.

ОТВЕТЫ НА ВОПРОСЫ ПЕРВОГО ТУРА

1. Расстояние, пройденное автомобилем с момента обнаружения водителем опасности.
2. Как можно правее на обочине.
3. Если это невозможно сделать со стороны тротуара или обочины и при условиях, что это будет безопасно и не создает помех другим участникам движения.
4. Интенсивность движения, особенности и состояние транспортного средства и груза, дорожные и метеорологические условия.
5. Продолжить движение через перекресток без остановки.
6. Видимость дороги менее 300 м в условиях тумана, дождя, снегопада и т.п., а также в сумерки.
7. С увеличением скорости движения.
8. Лицо, принимающее непосредственное участие в процессе движения как пешеход, водитель, пассажир транспортного средства.
9. Уступить дорогу пешеходам, идущим к стоящему на остановке посередине дороги трамваю попутного направления или от него.
10. Немедленно остановиться и (или) оставаться на месте происшествия, включить аварийную световую сигнализацию или выставить знак аварийной остановки.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш маркази билан ҳамкорликда «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунчиликнинг таъминланиши: қонун ҳужжатлари ва амалиёт» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир қатнашчилари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлашнинг долзарб томонлари, қонунчилик ва қонунларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш муаммоларини батафсил муҳокама қилдилар. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалга оширилишини мониторинг қилиш сингари жиҳатга алоҳида эътибор берилди.

Давра суҳбати иштирокчиларидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг ўринбосари адлия майори Савронбек Турсунов ўз фикрларини баён қилар экан, ишлаб чиқилиши кутилаётган янги қонунлар, албатта, ҳаётга татбиқ этилиши зарурлиги, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштириш ва ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини ошириш борасида сўз юритди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий, Олий хўжалик, Ҳарбий судлари, Бош прокуратура, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган мазкур тадбир сўнгида кун тартибида кўрилган масалалардан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий фаолиятида қонунийликни таъминлашнинг устувор йўналишлари белгиланди, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Марғуба ОМОНОВА.

Военное образование: курсом реформ

КАЧЕСТВО ЗНАЧИТЕЛЬНО ВОЗРОСЛО

Многие претенденты на звание курсанта военного училища показали высокое качество предварительной подготовки, достойно выдержав тестовые испытания.

Об итогах государственных тестовых испытаний в высшие военно-образовательные учреждения в 2006 году состоялась беседа с начальником Управления военного образования Министерства обороны подполковником Ж.РАМАТОВЫМ.

– Жуманиёз Султанович, как осуществлялся прием в этом году, и каковы были показатели конкурса на поступление в сравнении с предыдущим годом?

– Прием в высшие военно-образовательные учреждения Министерства обороны в нынешнем году осуществлялся на основании Распоряжения Президента Республики Узбекистан от 19 апреля 2005 года «О дополнительных мерах по совершенствованию системы военного образования в Республике Узбекистан».

Если в 2005 году по военным училищам конкурс в среднем составлял примерно 4,5 человека на одно место, то в этом году на одно место пришлось свыше 10 кандидатов. Это результат большой разъяснительной работы, проведенной на местах хокимиятами и управлениями по делам обороны, выступлений наших специалистов в средствах массовой информации. Кроме того, курсанты всех военно-образовательных учреждений во время зимних каникул выступали в школах и махаллинских сходах по месту жительства, что тоже дало положительный результат.

Таким образом, свыше 20 тысяч юношей из разных регионов страны обратились в отделы по делам обороны с просьбами оформить документы на поступление в военные училища. Однако только каждый четвертый из них сумел подтвердить соответствие предъявляемым к будущим офицерам высоким требованиям еще на этапе сбора документов. К тому же тестовым испытаниям предшествовал профотбор, где также шел довольно строгий отсев.

– А какова была активность военнослужащих по контракту и срочной службы?

– От этой категории абитуриентов поступило заявлений в полтора раза больше прошлогоднего уровня, что свидетельствует об усилении активности командиров подразделений, офицеров-воспитателей по пропаганде среди молодежи героической профессии офицера. Следует отметить, что в ходе профотбора и тестов они показали высокий уровень подготовки.

– Как бы Вы оценили результаты сдачи экзаменов среди солдат резерва, получивших от командования воинских частей Рекомендации, предоставляющие право на льготы при поступлении?

– Своими законными льготами воспользовались около двухсот юношей, добросовестно отслуживших срочную службу. Их было гораздо больше, но даже те, кто не поступил, сохранили шансы еще раз испытать свои возможности при поступлении в гражданские вузы страны. Как вы знаете, тесты в военные училища уже второй год специально проводились 10 июля с тем, чтобы у солдат резерва оставалась возможность уже в этом году сдать документы в другие вузы.

– Какой оказалась максимальная сумма баллов, набранная абитуриентами в ходе тестовых испытаний?

– Самый высокий показатель по сумме баллов составил 200,4 балла, тогда как в 2005 году наивысший результат был равен 193,4 балла. Это тоже подтверждает возросший уровень подготовки абитуриентов.

– Но ведь есть еще и выпускники лицеев с военным уклоном обучения?

– В этом году курсантами военных лицеев стали свыше ста выпускников. Думается, это достаточно высокий показатель работы данных учебных заведений, готовящих юношей к получению профессии офицера.

– Как обеспечивались объективность и «прозрачность» работы приемных комиссий в военных училищах?

– Для участия в работе приемных комиссий привлекались представители местных хокимиятов, Государственного тестового центра, а также компетентных органов. Каждая претензия от абитуриентов и их родителей рассматривалась в кратчайшие сроки с подробным и обстоятельным ответом каждому заявителю.

Одним словом, прошедшие вступительные экзамены в военно-образовательные учреждения Министерства обороны стали еще одним ярким подтверждением популярности в профессии защитника Родины молодежной среде, действенности системы патриотического воспитания.

Беседовал
майор Баходир УТАНОВ.

БЕЗ ПРАВА СОВЕРШИТЬ ПОСЛЕДНЮЮ МОЛИТВУ

(Продолжение. Начало в предыдущих номерах).

– Конечно, если кто-то пожелает вернуться в Таджикистан, они помогут, но в душанбинских газетах будут опубликованы статьи о мужской проституции в Афганистане с приложением фотографий ночных сцен. – Офицер выразительно помахал фотографиями, на которых ребята без труда узнали себя. Выхода не было.

Шесть месяцев изнурительной подготовки в террористической школе на территории Пакистана. Одил жил одурманенный постоянным внушением инструкторов, что война с неверными – священный долг и обязанность каждого мусульманина. После года учебы его тайно привезли в кабульский штаб... Ризвона Сидирова, того самого человека, которого он наивно попросил помочь вернуться в Душанбе.

Он знал, что досье, заведенное на него в школе, было передано Ризвону, и это угнетало Одила, хотя ни в школе, ни в отряде Ризвона никто ни разу не упомянул о ночном происшествии. Он провел в отряде Ризвона два с половиной года, сделав для себя вывод, – то, чем занималась группа Ризвона на территории Таджикистана, можно было назвать только бандитизмом, но никак не джихадом. А он в свои семнадцать лет, не имея мужества вырваться из круговорота кровавых событий, обрастал новыми преступлениями. Пять раз в день, читая молитвы, он обещал Аллаху быть добрым, справедливым и благодетельным, страшась только одного вопроса, – когда? В те дни действительность заглушалась словами молитвы. Но поможет ли молитва ему сегодня?

Он спрашивал себя, как отнестись к встрече с Файзи? Отвергнуть все, что он может предложить, и жить дома в кругу родных ему людей, забыв прошлое? Но дадут ли ему забыть прошлое те, с кем он убивал, и те... кого он убивал? Сказать Файзи, что он не хочет жить прежней жизнью? Но он не знает, где его папка с послужным списком из кабульской канцелярии Ризвона.

Бежать! Бежать от всего этого. Но куда? В Россию? На это нет денег, да и родители не переживут новой разлуки с вновь обретенным сыном.

В ту ночь, так ничего и не решив для себя, он уснул, положившись на судьбу.

Одил встретился с Файзи в назначенный день. Они шли по той же тихой улочке, и теперь уже Файзи рассказывал Одилу, как он воевал все то время, пока Одил отсутствовал. Имя Ризвона Файзи не произносил, но как-то само собой в его рассказе подразумевалось, что командир жив, здоров и находится где-то рядом.

Ризвон не хотел напоминать Одилу о его досье, которое он получил от представителей пакистанских спецслужб в Афганистане. Досье и сегодня, как и многие другие документы, хранилось в тайнике недалеко от приграничного афганского селения. Узнав от Файзи о том, что Одил работает в типографии, он решил поручить парню за деньги отпечатать листовки с призывом к душанбинцам подняться на джихад. Шаг был рискованный, но осторожность требовала проверки Одила через конкретное дело.

Одил не удивился, что Файзи обратился к нему с просьбой, но не ожидал, что она будет столь незначительной. Более того, удивился, что ему предлагают за эту работу деньги. Помолчав немного, он согласился с предложением, решив для себя: отпечатав листовки и получив деньги, он купит новый паспорт и под чужой фамилией уедет из Душанбе в самую отдаленную область республики, где его никто не знает, а уже оттуда сообщит о себе родителям. Только так можно было уйти от своего прошлого и Ризвона, словно призрак восставшего из него.

Файзи на следующий день вручил ему текст, и уже через десять дней листовки были готовы. Как он организовал печать листовок, не обсуждалось – сделал и все. Но Файзи за работу не расплатился, сославшись на временные трудности. Не взял он и листовки, оставив их на хранение Одилу до следующей встречи. Но на следующей встрече Файзи неожиданно предложил Одилу вместе с ним расклеить листовки в разных концах города, пообещав за это доплатить денег к обещанной сумме. Одил согласился, понимая, что в данной ситуации у него нет другого выхода, да и лишние деньги могли ускорить его отъезд из города. Он шел на это, не предполагая, что его проверяют.

Ночью, когда Файзи и Одил расклеили уже с десяток листовок, их неожиданно окликнул милицейский патруль. Можно было убежать, о том, что их кто-то начал бы преследовать, не могло быть и речи, милиция была рада тому, что на их окрик не раздались выстрелы. Но Файзи откликнулся на окрик и спросил, не найдется ли у милиционеров спичек. Он попросил удивленного Одила не бросать его, и они вдвоем направились в сторону патруля. За два метра от милиционеров Файзи неожиданно вложил в руку Одила пистолет и так же неожиданно начал стрелять из оказавшегося у него второго пистолета.

Файзи застрелил двоих милиционеров, третий пытался отстреливаться, но после выстрела Одила рухнул на землю. Они долго бежали по темным улицам города. Погони не было. Одил проклинал себя за то, что согласился участвовать в ночной вылазке. Одно дело отпечатать и расклеить в городе листовки, другое – напасть на милицейский патруль и убить сотрудников милиции.

Ризвон был доволен проведенной ночью операцией. В новостях местного телевидения прошла информация о ночном убийстве в Душанбе трех патрульных милиционеров. С этого дня Одила можно было считать вернувшимся в строй. Подготовленные и проверенные кровью убитых людей боевики ему были нужны.

Все последующие дни город был взбудоражен листовками с текстом, призывающим к джихаду. Поползли слухи о том, что Ризвон может взять под свой контроль Душанбе, а официальные власти бессильны что-либо предпринять. Оперативники всех силовых структур республики были подняты на ноги. И без того сложная криминогенная обстановка в столице усиливалась тем, что многие преступные элементы стали оставлять на местах своих преступлений записки антиправительственного содержания с подписью «Ризвон», не сознавая, что создают нужную ему репутацию «неистребимого и всесильного».

...ОН В СВОИ СЕМНАДЦАТЬ ЛЕТ, НЕ ИМЕЯ МУЖЕСТВА ВЫРВАТЬСЯ ИЗ КРУГОВОРОТА КРОВАВЫХ СОБЫТИЙ, ОБРАСТАЛ НОВЫМИ ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ.

9. Она прощалась с родителями и друзьями. Прощалась, словно уезжала из города на несколько недель. И близкие ей люди, зная ее, поддерживали эту игру, пряча за ней грусть разлуки.

Назначение в Таджикское представительство Международной гуманитарной организации далось ей не просто. Было несколько кандидатур, но ей удалось убедить координационный центр, что именно она должна ехать в Таджикистан. Муж ехал с ней, и это было естественно для них обоих. Общие интересы сблизили их, хотя многим порой казалось, что их брак держится не на любви. Но так казалось только непосвященным.

После многочасового утомительного перелета с двумя пересадками их встретило ласкающее солнце, и казалось, что все страшное, что им рассказывали в Париже об этой республике, – пустой миф. Днем в городе не стреляли, но нередко среди прохожих встречались мужчины в гражданской одежде с пистолетами в кобуре или автоматами, небрежно висящими на плече. Мужчины-таджики, неулыбчивые, с напряженно сдвинутыми к переносице густыми бровями, производили впечатление людей, готовых в любую минуту взорваться от неправильно понятого ими слова. Женщины отличались какой-то особенной, восточной красотой и миловидностью, ходили с непокрытой головой, чаще в европейской одежде, но на их лицах тенью лежала не усталость от ежедневных забот, а страх за своих родных.

Она стала исполнять свои непростые обязанности: недолгие совещания в головном офисе представительства, беседы с коллегами, работа с документами, анализ отчетов, составление планов и обязательные официальные визиты в государственные и правительственные организации. Но самыми трудными были встречи с простыми людьми, теми, ради которых она работала, отдавая себя без остатка.

В один из вечеров, вымотанная и уставшая от новизны обстановки и массы новой информации, она с мужем возвращалась домой. Редкие фонари, как роскошь ночного Душанбе, слабо освещали улицы. Остановив машину за несколько метров от дома, муж пошел открывать ворота. Неожиданно к мужу подошли двое молодых таджиков. Она не придала этому большого значения: слишком мало она жила в Душанбе, и чувство страха перед чужими людьми было ей не знакомо. Через мгновение она почувствовала, что на улице происходит что-то неладное. Муж в сопровождении незнакомцев, идущих у него за спиной, подошел к машине и негромко произнес, обращаясь к ней через открытое окно:

– У нас проблемы, мы заложники. Надо делать все, что нам скажут. И ради бога... молчи.

В машине ее оставили сидеть рядом с мужем. Двое молодых таджиков сидели сзади и о чем-то говорили на русском языке мужу, делая это так спокойно, словно они были его хорошими знакомыми. А муж напряженно вел машину, не превышая скорости и не нарушая дорожных знаков, останавливаясь на перекрестках на красный свет светофора, сворачивая то на одну, то на другую улицу города. Чувствовалось, что террористы едут по хорошо выверенному ими маршруту, избегая милицейских блокпостов. Она кожей чувствовала холодное дуло пистолета, уткнувшееся ей в шею. Неожиданно она пожалела, что не знает русского языка, в отличие от мужа, владеющего им свободно благодаря многолетним занятиям. Но кто мог предположить, что знание языка понадобится ему для объяснения с террористами.

Айдын ГУДАРЗИ.
(Продолжение следует).

Фармон ва ижро

ЯШАШ ҲУҚУҚИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир» деб белгиланган.

2005 йил 1 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Президентимиз Фармони мазкур конституцион тамойилдан келиб чиққан дейиш мумкин. Айтиб ўтиш лозимки, ушбу фармонда илгари сурилган фикрлар жиноий жазоларни либераллаштиришнинг муҳим жараёни бўлиб, жуда теран, келажакни ўйлаб бир тўхтамга келинган.

Албатта, ўлим жазосини бекор қилиш масаласини атрофлича ҳал этишда халқимизнинг азалий менталитети, дунёқараши ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш лозим бўлади.

Барчамизга маълумки, қонун билан белгиланган ҳуқуқий чекловларнинг ҳосиласи бу жазо ҳисобланади. Шу вақтгача энг оғир жазо ўлим жазоси бўлиб келган эди. Ушбу жазо ижроси натижасида инсон энг олий неъмат ўз ҳаётини ва шу билан бир қаторда ўзига берилган бошқа барча мавжуд ҳуқуқлардан бутунлай маҳрум бўлади.

Айтайлик, бошқа жазо чоралари қўлланилганда эса, масалан, озодликдан маҳрум этишда, унинг фақат озодликка бўлган ҳуқуқи маълум бир вақт мобайнида чекланади. Шунингдек, оила аъзолари, фарзандлари билан мулоқотда бўлиш, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлади. Ахлоқ тузатиш ишларида эса мажбурий меҳнатга жалб этилиб, унга нисбатан тегишли чекловлар қўлланилади, холос.

Жазо муддатини ўтаб бўлган шахс ўз оиласи, фарзандлари олдига қайтади. У жамиятда бўлаётган ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда янгиликларни ўз ақл тарозисидан ўтказади. Ўнгланиш ва ҳалол турмуш кечириш йўлига ўтади.

Қонунларимиздан мақсад инсонни қайта тарбиялаш бўладиган бўлса, ўлим жазосини қўллашдан нима кўзланади? Ўлим жазоси содир этган жиноят учун давлатнинг тирик юрган бир инсонни ҳаётидан атайин маҳрум қилиши қасд олишдан бошқа гап эмас.

Ваҳоланки, жазо ҳуқуқий тамойиллар талабига кўра жиноят содир этган шахслардан қасд олиш учун қўлланмаслиги керак. Кези келганда айтиб ўтиш ўринлики, ўлим жазоси салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Бордию, ушбу жазо ижро этилгач, унинг адолатсизлиги аниқланса, йўқолган ҳаётни ўрнига тиклаб бўлмайди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг 1994 йили янги Жиноят кодекси қабул қилинди. Ушбу кодексда ўлим жазоси жазонинг умумий тизимига киритилди. Жиноят кодексининг 51-моддасида дастлаб 13 та жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган эди.

2001 йил 29 августда Ўзбекистоннинг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Унга мувофиқ Жиноят кодексида ўлим жазоси қўлланиладиган моддалар 4 тага, 2005 йилга келиб эса 2 тага қисқарди. Вояга етмаганларга, олтмиш ёшдан ўтган фуқароларга бу жазо қўлланилмайдиган бўлди.

2005 йил 8 август куни мумлакатимиз Президенти Ислом Каримов Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида: **«Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала – жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир. Бу ўринда гап айрим мамлакатларда бўлгандек ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни, маълум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда. Биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб масалани ҳал этиш устида иш олиб боряпмиз»** дея таъкидладилар.

Ўйлайманки, мустақил мамлакатимизда инсон шаъни, унинг қадр-қимматини улуғловчи, жаҳон андозаларига мос қонунлар яратилаётганлиги – бу демократия ва ижтимоий адолат тантана қилаётганлигининг нишонидир.

Айни вақтда, мамлакатда амалга оширилаётган жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислоҳотларнинг моҳияти ва мазмуни, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазосини бекор қилиниши ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини тақозо этмоқда. Давр ўтган сайин қонунчиликда ҳам ўзгариш ва янгиланишлар бўлиб туриши табиий. Бу ўзгаришлар давлат тараққиётнинг бир маромда кетаётганлигини белгилаш баробарида инсон қадр-қиммати ва шаънини янада юқори кўтаришдек юксак қадриятларни ўзида мужассам этади.

Бир сўз билан айтганда суд-ҳуқуқ тизимида ҳам қизғин ислоҳотлар кечаётганлиги инсон ҳуқуқларига эътибор янада кучайганлигидан ёрқин далолат беради. Бу фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 июнда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишида ҳам ўзининг исботини топган. Биз, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш учун киришар эканмиз, аввало, инсонлар дунёқарашига ижобий фикр уйғотиш, уларнинг онгига шу жамият пойдевори яратишда ўзлари бевосита бунёдкор эканлигини чуқур сингдиришимиз энг долзарб масалалардан бири эканлигини унутмаслигимиз керак.

Адлия лейтенанти Д. ҲАМРОЕВ,
Термиз ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси.

ЮКСАК БАҲО БЕРИЛДИ

Биз бугун шуни ифтихор билан қайд этишимиз мумкинки, истиқлол меваси бўлган миллий армиямиз ўтган қисқа вақт мобайнида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида тўла шаклланди. Армиямиз сафларига Ватан ҳимоясини муқаддас бурч деб биладиган ўғлонларни тарбиялаб етказиб бераётган масканлардан бири Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида Фронторти қўшин раҳбарларининг ўқув-услубий йиғини бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг фронторти ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари полковник В.Ҳожақулов кириш сўзи билан очди. Шунингдек, тадбирда Фронторти қўшин раҳбарларидан подполковник С.Мараимов «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Фронторти таъминоти қўшинларининг 1-ярим йиллик учун таҳлили», подполковник И.Солиев «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Фронторти қўшинларининг жанговар ҳолати», подполковник А.Ҳайдаров «Қўшинларнинг озиқ-овқат билан таъминлаш ташкилоти» мавзуларида маъруза қилдилар.

Шундан кейин тадбир қатнашчилари олий ҳарбий билим юрти ўқув жараёни ва курсантлар ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Билим юртида ташкил этилган сержантлар клуби, ўқув ва бадиий адабиётлар, вақтли матбуот нашрларига эга кутубхона, спорт бурчаги, компьютерхона ҳарбий хизматчиларга бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун хизмат қилмоқда.

Бу ерга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Р.Мирзаев дала-ўқув машғулотларида иштирок этди. Йиғинининг тўртинчи куни олий ҳарбий билим юрти озиқ-овқат таъминоти кафедраси «Дала шароитида нон ёпиш ишини ташкиллаштириш» бўйича кўргазмали машғулот ўтказди. Кафедра бошлиғи подполковник К.Ҳасанов дала шароитида нон ёпиш заводи ускуналари ва уларнинг иш жараёнини тавсифлаб берди. Мудофаа вазири кўргазмали машғулот қатнашчилари бўлган курсантлар ишини кузатиб, улар билан самимий суҳбатлашди. Ўз ишининг устаси 4-босқич курсантлари— Д.Ҳасанов, К.Холматов, У.Эшниёзов, Л.Эшонқулов, Л.Хўжамовлар томонидан тайёрланган нон маҳсулотлари йиғилиш қатнашчиларига манзур бўлди.

СОҲАҚМБЮ қошида ташкил этилган турли йўналишдаги тўгараклар аъзоларининг ижодий ишларига тадбир қатнашчилари юксак баҳо бердилар. Улардан айниқса ёш автомобиль ва авиамоделлар ясаш тўгараги, тасвирий санъат ва хор, шахмат, «Муҳандис», «Қуролсоз», «Мерган» тўгараги аъзолари ўз ишларининг моҳир усталари эканликларини амалда кўрсатдилар. Йиғин қатнашчилари автомобиль техникалари экспонатларини ва мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг кўргазмали чиқишларини томоша қилдилар. Тадбир якунида Мудофаа вазири олий ҳарбий билим юрти шахсий таркибига билим юртида фронторти хизмати учун малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида қилинган саъй-ҳаракатлар ҳамда ушбу ўқув-услубий йиғинни талаб даражасида ўтказишга юксак савияда ҳозирлик кўришгани учун миннатдорчилик билдирди.

Подполковник
Абдураззоқ БАЙРАМОВ.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

Ҳарбий техника шарҳи

ЕВРОПА УЧУН ТРАНСПОРТ САМОЛЁТИ

Германиянинг Бремен шаҳрида Airbus концерни томонидан ишлаб чиқилган A400M русумли Европа бирлашган ҳарбий-транспорт самолётининг биринчи прототипи фюзеляжини йиғиш ишлари бошланди. FLA (Future Large Aircraft) дастури доирасида ишлаб чиқилган A400M прототипи 2008 йилнинг январида ҳавога кўтарилади, деб хабар берди Airbus концерни ҳарбий дастури раҳбари Хуан Карлос Мартинес-Саис. Шундан сўнг янги машинани серияли равишда ишлаб чиқариш ва буюртмачиларга етказиб бериш бошланади. FLA дастури бўйича барча ишлар 2001 йилда бошланган. Ушбу дастур қисқа масофали учиш-қўниш майдонлари ва тупроқли аэродромлардан фойдаланилиши мумкин бўлган ўрта синфдаги Европа бирлашган ҳарбий-транспорт самолёти яратишни кўзда тутади. Самолёт 110 тоннагача бўлган кўтарилиш оғирлиги ва 25 тоннагача максимал фойдали юк ташиш имконига эга бўлади. У ҳар бирининг қуввати 9500 от кучига тенг бўлган тўртта SNECMA M138 ёки Rolls-Royce BR715TP турбовинт двигателлари билан жиҳозланади. Самолётнинг максимал учиш тезлиги соатига 780 километрни ташкил этади. Тўлиқ юк билан учиш узоқлиги 4300 км бўлиши лозим.

Самолётдан турли вариантларда фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Турли юклар ва техникаларни етказиб беришдан ташқари, ундан ҳаво десантларини ташлаш (120 тагача десантчилар), яradорларни ташиш (кузатувчилар билан бирга 66 та носилка), танкер сифатида фойдаланиш (фюзеляжда 41000 литр ёқилғиси бўлган бакларни жойлаштириш имкони бор) мумкин бўлади.

Ҳозирда европалик буюртмачилар учун 192 та ана шундай самолёт етказиб бериш режалаштирилмоқда. Дастлабки A400M 2009 йилда Франция ҳарбий ҳаво кучлари ихтиёрига етказиб берилади. Airbus концерни ҳаммаси бўлиб 2025 йилгача 1000 дан ортиқ ана шу типдаги машиналарни сотиш ниятида.

«ТРИШУЛ» МУВАФФАҚИЯТИ

Яқинда Ҳиндистон «ер-ҳаво» типидаги кичик масофага учувчи такомиллаштирилган «Тришул» ракетаси синовларини ўтказди. Қуролли Кучларнинг барча турлари томонидан фойдаланилиши кўзда тутилган ушбу ракета 15 кг оғирликдаги жанговар зарядни 9 км.гача бўлган узоқликка олиб боришга қодир, деб хабар беради маҳаллий ахборот агентлиги. «Тришул» ҳинд армияси қуроллари таркибида бўлган энг самарали зенит ракеталаридан бири ҳисобланади. Ракетага қаттиқ ёқилғи билан ишлайдиган двигатель ўрнатилган, у товуш тезлигидан ҳам ортиқ учиш имкониятига эга. «Тришул» душман самолётлари ва ракеталарини йўқ қилишга мўлжалланган, аммо ўтказилган синовлар жараёнида, шунингдек, сув усти ва ердаги нишонларга қарши ҳам фойдаланилган. Ушбу ракета илк бор 1983 йилда учирилган.

ДЕНГИЗ ПИЁДАЛАРИ САФИГА ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ

АҚШ ҳарбий идоралари MySpace ижтимоий тармоғининг оммавийлигидан армия сафларини тўлдириш учун фойдаланишга қарор қилдилар. Америка денгиз пиёдаларининг MySpace тармоғидаги расмий уй саҳифасида «Contract a Recruiter» кнопкаси мавжуд бўлиб, уни босиш орқали сўровнома тўлдириш ва АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари сафига хизматга кириш мумкин. Бундан ташқари, ушбу сайтда АҚШ денгиз пиёдалари ҳаётидан ҳикоя қилувчи суратлар, видеоматериаллар ҳам бор. Июль ойида MySpace ижтимоий тармоғи сайти оммабоплик бўйича АҚШдаги сайтлар орасида биринчи ўринни эгаллаган. Бугунги кунга келиб MySpace ҳиссасига АҚШдаги барча сайтларга киришнинг 4,46 фоизи, ижтимоий тармоқлар сайтларига киришнинг эса 80 фоизи тўғри келмоқда.

(«Зарубежное военное обозрение» журналидан олинган).

Турфа олам

ОСМОНДАГИ ТУШЛИК

Бельгиянинг «Fun Group» компанияси мижозларга «Осмондаги тушлик» – 50 метр баландликда осилиб турувчи стол атрофида овқатланишни таклиф этмоқда...

Ўлчами 6x2 метр бўлган столда 22 киши учун жой ҳозирланган. Осмонда яна уч нафар ошпаз, официантлар ва стол марказидаги бўш жойда хизмат кўрсатувчи конферансье ҳам бўлади.

Ўзига хос кичик ресторанни бутун жиҳозлари билан бирга кўтарма кран 40-50 метр баландликка олиб чиқади. Овқатланиш жойи эса мижоз истагига қараб белгиланади.

Бундай «тушлик» арзонгаров томоша эмас, албатта. Кўкдаги стол атрофида энг ками – 8 соат ўтириш хўрандаларга 8 минг еврога тушади.

Агар яқин келажакни ҳисобга олиб гапирсак, одамларнинг учар меҳмонхоналарда ҳордиқ чиқариш имкониятига эга бўлишини башорат қилиш ҳам ҳеч гап бўлмай қолди.

ЭНГ МИТТИ ЧАҚАЛОҚ

Яқинда Англияда ер юзидаги энг митти чақалоқ туғилди...

Митти Руби туғилиш муддатидан ўн тўрт ҳафта олдин Бристоль туғруқхоналаридан бирида дунёга келди. Чақалоқнинг оғирлиги бор-йўғи 354 г. бўлиб, у 298 граммга озганди ҳам. Интенсив терапия ва шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан қизалоқ нафақат тирик қолди, балки вазни 1,8 кг.га ортди. Рубининг ота-онаси қизалоқ яшаб кетганига шукрона сифатида чақалоққа иккинчи – Фаришта номини беришга қарор қилишди.

НАРЗУЛЛА ОТА ВА 28 ЛАР...

Тошкентнинг «Ишчилар шаҳарчаси»даги «Янги ариқ» маҳалласи, Тазетдинов кўчасида яшовчи Нарзулла ота ва Мушарраф онанинг никоҳ тўйлари 1933 йил 28 августда бўлган...

Тўнғич ўғил – Тўлқин Исломов 1934 йил 28 июнда, иккинчи ўғил – Сирожиддин 1937 йил 28 май, қизи – Раъно 1939 йил 28 ноябрда, кенжа ўғил – Озод 1944 йил 28 январда туғилган.

Нарзулла ота ва Мушарраф оналарнинг набиралари Гулчеҳра Исломова 1971 йил 28 ноябрь, Мухторжон 1972 йил 28 январь, Лобархон 1970 йил 28 март, Нозимахон 1975 йил 28 январь, Адолат – 1994 йил 28 сентябрда дунёга келган.

Англаган бўлсангиз, Исломовлар оиласи деярли ҳар ойнинг 28 санасини тантана билан нишонлашади.

ДАРАХТ ИЧИДАГИ МЕҲМОНХОНА

Африка баобаби Ер юзидаги энг улкан дарахт ҳисобланади. Унинг баландлиги 150 метр, эни эса 50 метрга етади...

Кенияда худди шундай дарахтларнинг бирида 50 та хонадан иборат шинам меҳмонхона қурилган. Зимбабведа битта дарахт ичида бутун бошли автобус станцияси билан кутиш зали жойлашганига гувоҳ бўласиз. Ботсванада эса баобаб дарахтидан қамоқхона ўрнида фойдаланишади!

ЧЕКИШ ИСТАГИНИ ЕНГИШ МУМКИН!

Ақл-идрок, тафаккур ва фикрлаш неъмати фақат инсонларгагина инъом этилган. Шундай экан, биз ўзимиз, ўз хоҳишимиз билан ўрганиб қолган зарарли одат – кашандаликни нега энди ақл-заковатимизни, иродамизни ишга солиб, ташлаш қўлимиздан келмас экан? Албатта, ҳар биримиз бунинг уддасидан чиқа оламиз, фақат эса аввало, инсоннинг ўзида хоҳиш-ирода, истак бўлса бас, зарарли одатдан бир умрга халос бўлишимиз мумкин. Қуйидаги мутахассис маслаҳатлари эса сизга қатъий қарор қабул қилишингизда яқиндан ёрдам беради, деган умиддамиз.

1. Нима учун сигарет чекиш одатини ташламоқчисиз, ўйлаб кўринг ва сабабларини ёзиб қўйинг. Масалан: соғлом бўлмоқчиман ва оиламнинг саломатлигини хоҳлайман, пул тежамоқчиман, ҳаётимни ўзим идора қилмоқчиман. Сабаблар фақаттина ижобий бўлмоғи лозим, бу эса натижанинг самарали бўлишидан нишона.

2. Иродангиз кучли бўлса, ўзингизга буйруқ беришга қодир бўлсангиз, сигарет чекишни ташлайман деб, шу заҳотиёқ қарор қилинг, қўлингизга сигаретни олиб сўнгги марта чекинг ва бошқа чекманг, қарорингизда қатъий бўлинг.

3. Агар сиз қарор қабул қила олмасангиз, «Ўз истагингизни узоқроқ қондирмоқчи» бўлсангиз, чекишни ташлашга маълум вақт ва муддатни белгиланг. Худди шу куни сиз сигаретадан бир умрга айриласиз. Бу ҳақиқатга қаттиқ ишонинг.

4. Сигарет чекишни ташлашга киришганингизда кунига чекиш сонини камайтириб борган маъқул. Дастлаб, биринчисидан воз кечинг. Шу ҳолатда неча кунга бардош бера оласиз, тушликкача умуман чекмасликка одатланинг, сўнгра 4 тага, кейин эса 2 тага камайтиринг ва албатта бир кун келиб, ҳаётингиздан сигарет умуман йўқолади.

БОБУРШОҲ САБОҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Воқеа 1506 йилнинг бошида, қаҳратон қишда, Бобур лашкарлари билан пистирмада турган ҳазораларнинг жанг тасвири берилган. Бобур тажрибали беки Муҳаммад Али Мубашшир билан бирга аскарларини олиб ҳазоралар қишлоғидан ўтаётганида уларнинг қаршилигига учрайди. Бу муҳораба тасвири Заҳириддин Бобурни йирик лашкарбоши, моҳир жангчи, муносиб султон ва энг аввало қўрқмас, жасоратли шахс сифатида кўз ўнгимизда гавдалантиради. Ушбу воқеа тафсилотини мутолаа қилган китобхон хаёлида лашкар бошлиғи бу мураккаб вазиятда, муҳораба майдонида ўзини қандай тутади, қамалнамо ҳолатдан қандай чиқиб кетади, қандай хулосага келади ёки бу ноқулай ҳолатда беклар, аскарларини муҳорабанинг олдинги сафига жўнатиб, ўзи пистирмадан туриб жангни бошқарадими, деган саволлар беҳос келади. Бироқ Бобурнинг унга ўлим тикка қараб келаётган бўлса ҳам ўзини йўқотмай, мардонавор ҳаракат қилганлигини билиб, унга меҳримиз янада ошиб боради: «Муҳаммад Али Мубашширбек менинг янги риоят қилғон бекларимдин эди, хейли мардона ва қобили риоят, яхши йигит эди, жибаси йўқ, илгаррак шох солғон йўлга мутаважжих бўлди, биқинига ўқладилар, ўшал замон жон таслим қилди. Илдам келиб эди. Аксарнинг жибаси йўқ эди. Бир-икки ўқ ўтуб-ўтуб тушди. Аҳмад Юсуфбек изтироблар қилиб, ҳар замон айтадурким, яланғоч мундоқ кириб борасиз, икки-уч ўқни кўрдумким, бошингиздин ўтти. Мен дедимким, сиз мардона бўлунг, менинг бошимдин мундоқлар хейли ўтубтур».

Заҳириддин Бобур бунда қайси воқеаларни инобатга олиб менинг бошимдан бундай ҳолатлар кўп ўтган деб айтмоқда? Бобурнинг шу фикрини тўлдириш учун ушбу воқеа содир бўлгунга қадар унинг иштирокидаги муҳорабаларда кўрсатган жасоратларига назар солсак, 1498-1499 йиллар – Заҳириддин Бобур эндигина 15 ёшга тўлган пайти. Бу давр темурийлар салтанатида тож-тахтга эгалик қилиш кайфиятида шаҳзодалар, бек ва зодагонларнинг ўзаро курашларга ташна бўлган пайтлари. Бобур эса Самарқанд ва Фарғона вилоятларини эгаллаш, Самарқандда тахтга ўтириб, Андижонни ҳам бошқариш, шу билан бирга Амир Темур салтанати яхлитлигини таъминлашга замин яратиш илинжида юрган пайти эди. Аммо муҳораба кўрган, тажрибали, ҳаёт тажрибаси Бобурдан анча устун бўлган темурий шаҳзодалар Бобурнинг бу ниятларига ҳар томонлама қаршилик кўрсатадилар. Бунинг устига Шайбонийхонлек ғаним ҳам унинг салтанатга бош бўлиб, майдонга келишини асло истамасди. Ана шундай оғир шароитда сарсон-саргардон, қайси томонга бош олиб кетишни билмай турган Бобурга унинг тоғаси Али Дўст – агар Бобур Марғилонга келса унга бу шаҳарни топширишини билдирган. Шунда Бобур жуда катта жасорат кўрсатади, агарчи Бобурга нисбатан кўпинча ғанимона муносабатда бўлган бу тағойисига ишониш мумкин эмас, агарчи Аҳмад Танбал ва бошқа Андижон тахтига даъвогарларга йўлиқиб жуда катта хавф остида қолиш аниқ бўлса ҳам, агарчи ёнидаги ҳамроҳлари катта муҳорабага яроғлик ҳолатда бўлмаса ҳам у Марғилонга боришга жазм этади. Бобурнинг айнан мана шу жасорати уни яна тахтга ўтиришига, кейинроқ кенг миқёсда мақсадларини амалга оширишга сабаб бўлади.

Азиз муштарий! «Бобурнома»нинг мана бу сатрларига эътибор беринг!

Бу жасур саркарда Марғилонга эга бўлиш учун, ўзининг бу мақсадини амалга ошириш учун нақадар шошган, кечаю кундуз от чоптирган, ҳар бир қадам, йиғоч йўлнинг ўтишини интиқлик билан кутган! Унинг бу шахсий жасорати бугунги ёшларимизни ҳам мақсад сари интилишларига дарс, ибрат намунаси бўлиши аниқ: «Мундоқ мутаҳаййирлиқ ва саргардонлиқта бу хабар келган била ҳеч андиша ва таваққуф қилмай, ўшал замон – ўққим, офтоб ўлтурур чоғ эди Марғинонға илғор тариқа била мутаважжих бўлдум. Бу ер била Марғинон ораси тахминан йигирма тўрт-йигирма беш йиғоч бўлғай эди, ул кеча тонг отқунча ва ул куни намози пешингача ҳеч ерда таваққуф қилмай юрурди. Намози пешин Хўжанднинг Тангоб отлиқ кентига тушулди. От совутуруб, отға бўғуз бериб, тун ярми нақора вақтида Тангобдан отланилди. Ул кеча тонг отқунча ва ул куни офтоб ботқунча ва яна кечаси тонгдин бурунроқ Марғинонниг бир йиғочиға етганда Вайсбек ва баъзилар тараддуд қили арзға еткурдиларким, Али Дўст не навъ ёмонлиқ қилғон кишидур, орада бир навбат, икки навбат киши бормай ва келмай, гуфтугў ва аҳду шарт бўлмай, не эътимод била борадурмиз?»

Биз «Бобурнома»дан мавзуимизни янада равшанроқ ёритиш учун атайин бу каттароқ парчани келтирдик. Тасаввур қилинг, 15 яшар темурий шаҳзода атрофи турли-туман ғаниимлар, душманлар билан тўлган бир даврда дам олмай, тиним билмай манзили-мақсади сари от сурган. Кундузни кечага, кечани тонгга улаш жараёнининг тасвири Бобурнинг жасорати рамзи, исботидир. Бунинг устига, унинг атрофидаги сафдошлари шунча вақт ва машаққат чекиб, Марғилонга етгандан сўнг унга тоғаси Али Дўстга ишониш мумкин эмаслигини, бу ҳаракат хавфлилигини билдиришади. Шундан сўнг Бобурнинг яна бир жасорати майдонга келади. У ҳамсуҳбатларининг бу ташвишларини қабул қилса-да, «чун мунча келибтурмиз бормоқ керак. Ҳеч нима Тенгрининг хостидин ўзга бўлмас», деб мақсади сари қадам ташлайди. Бу қарордан агарчи Бобурнинг таваккал қилиб иш тутиши тушинилса ҳам, буни жасорат, мардлик ва шахсий намуна сифатида қабул қилиш тўғри бўларди: «Филвоқеъ тараддудларининг важҳи бор эди. Бир замон туруб кенгаш қилдук... Чун мунча келибтурмиз бормоқ керак. Ҳеч нима Тенгрининг хостидин ўзга бўлмас».

Биз Заҳириддин Бобурнинг мардоналиги ва жасоратини фақатгина унинг шахсий ҳаракат ва хислатлари билан эмас, балки бировларга берган баҳоси мисолида ҳам биламиз. Унинг назарида жангчи мард, жасур, энг аввало қўрқмас бўлиши шарт. У амакиси Султон Маҳмудга баҳо берар экан, «Султон Маҳмудхон уруш киши эмас эди», дейди ва унинг саркардалик қобилиятига салбийнамо баҳо беради. Ҳазил-музоқда тарзида баён этилган бу парчада душманга тикка қараб борадиган шахсгина жанг майдонига киришга ҳақли, деган мантиқ келиб чиқади. Бобур ўз лашкарларини шу руҳда тарбияларди, ўзи бунга намуна кўрсатган: «Султон Маҳмудхон уруш киши эмас эди. Сипоҳийликдин бисёр орий эди. Танбал била ўтру бўлғон чоғ хондин бедилона ақвол ва афъол зоҳир бўлур. Аҳмадбек турк киши эди, вале мардона ва давлатхоҳ эди. Ғариб дурушт айтур, дерким, бу Танбал не миқдор кишидурким, мунча дағдаға ва тараддуд тортарсиз. Агар кўзингиз кўрқса, кўзингизни боғлаб юруб рўбарў бўлалинг».

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг салтанат улушига Андижоннинг Амударё соҳилларидаги ерлар кириб, Андижоннинг ўзи Аҳмад Танбал ва унинг тарафдорлари қўлида эди. Кунлардан бирида Бобур Андижон фуқароси унга тарафдор эканлиги, уни тахтга ўтиришини истаганини боис, ўз одамларини шаҳар ичига, разведкага жўнатади. Маълум вақт ўтган сўнг, ваҳимали нохуш ва сурнай-карнайлар товуши билан ғаниимлар Бобур кишилари томон ҳужум қиладилар. Бу таҳликадан қўрққан эл қочиб кетадилар ва Бобур уч кишиси қолиб ғаниимларга қарши курашадилар. Шунда ҳам Бобурнинг шахсий жасорати, мардлиги бошқаларга намуна бўлган. У ёзади: «Ёғийнинг кўплигини билмай, тофил ва уйқулуқ эл бир йўли ўқ бир-бирига боқмай довурлаб қоча бердилар. Мен элни тийгунча фурсат ҳам бўлмади. Ёғий сари-ўқ юрудум. Мирпоҳ қавчин, Бобо Шерзод ва Дўст Носир менинг била-ўқ тебрадилар. Биз тўрт кишидин ўзга жамиъ эл қочмоққа-ўқ юз қўйдилар. Озроқча ёниб эрдимким, бу дорингонлар ўқ қўюб, сурон солиб, етишиб келдилар. Бир қашқа отлиқ киши манга яқин сиғиниб келди. Отини ўқладим, юмоланиб борди. Бир нима босилғондек бўлдилар».

«Бобурнома»дан бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Бунга асос – Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг моҳир саркардалиги қатори етук жангчилиги, мард, қўрқмас шахс эканлиги ҳамдир. Бобур жасоратини ҳарбий фан нуқтаи назаридан ҳам, «Бобурнома»даги энг ҳаётий, етук муҳораба манзараларини бадиий маҳорат даражасида тасвирланган асар сифатида ҳам таҳлил этиш учун вақт етди, деб ўйлаймиз.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.
(Давоми бор).

ЯГОНА ОИЛАДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Тарихга назар ташлар эканмиз, 1897 йилда Ўзбекистон ҳудудида 70 га яқин, орадан 100 йил ўтгач, 1989 йилдан ҳозирги кунгача эса 130 дан зиёд турли миллат ва элат вакиллари бир оила сингари аҳил ва иноқ яшаб келаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Истиқлолимизнинг биринчи кунлариданоқ Ўзбекистон Президенти томонидан миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликка асосланган, одамлар ўртасида биродарлик ва дўстлик ришталарини мустаҳкамловчи йўл танлаб олинди ва биринчи галда мамлакатимизда яшаб келаётган миллатлар ва элатлар ўз тили, урф-одатларини сақлаб қолишлари учун шарт-шароит яратиб берилди. Агарда 1992 йили республикамизда бор-йўғи 10 та миллий маданият маркази бўлган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 140 тага етди. Булар республика, вилоят, туман ва шаҳар миллий маданият марказларидир. Уларнинг фаолиятини Республика байналмилал маданият маркази бошқариб боради. Энг қувонарлиси шундаки, бирор бир маданий марказ ўтказаётган тадбирда бошқа миллат ва элат вакиллари ҳам иштирок этадилар. Бу эса Ўзбекистонда истиқомат қилаётган аҳолининг ҳамжиҳатлиги, бир мақсад йўлида ҳаракат қилаётганлигидан далолат беради. Масалан, арман халқининг миллий байрами «Тэарндарач», яъни «Ёш оила, оналик ва гўзаллик куни», рус «Масленица»си, қримтатарларнинг «Сабантуй»и, корейсларнинг «Овал-дано», немис халқининг «Остерн» байрамлари бунинг ёрқин мисолидир. Миллий марказ томонидан хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ҳам бир қанча ишлар олиб бормоқдамиз. Болгар миллий маданият маркази Болгариянинг озодлик кунини нишонлар экан, байрамга хориждан меҳмонларни таклиф этди. Шу билан биргаликда ўзбек халқининг миллий қадриятларини, тарихи, тили ва урф-одатларини ўрганиш ҳам миллий маданият марказларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия ҳамкорлигида Халқаро она тили кунига бағишланган кеча уюштирилди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг кореяшунослик факультети талабалари ўртасида ўзбек тилини, Хитой миллий маданият маркази томонидан эса Тошкент олий ўқув юртларининг талабалари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг хитой тилини билишлари борасида танловлар ўтказдик. Мамлакатимиз олий ўқув юртларида «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори остида ўтказилган дўстлик фестивалларига миллий маданият марказларининг аъзолари ҳам таклиф этилиб, ҳамкорликда иш олиб борилди.

– Жорий йил Президентимиз томонидан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб белгиланган эди. Миллий маданият марказлари бу борада қандай фаолият олиб боришмоқда?

– Дарҳақиқат, Ўзбекистонда туғилиб, улғайган турли миллат ва элат вакиллари ҳам ўзбек халқи сингари саховатпешадир. Юртимизда олиб борилаётган мазкур ишларга миллий маданият марказлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Поляк ва рус миллий маданият марказлари Тошкент шаҳридаги 21- ва 31-сонли Меҳрибонлик уйларини оталиққа олиб, болажонларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, байрамларда уларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам доимо марказимиз эътиборидадир. Масалан, рус маданият маркази улар ўз соғлиқларини тиклаб, дам олишлари учун сиҳатгоҳларга мунтазам йўлланма билан таъминлаб туради. Арман, озарбойжон, туркман, немис миллий маданият марказларининг жорий йил билан боғлиқ йўналишлари асосан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган юртдошларимиз, болаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Арман миллий маданият маркази 21-сонли Меҳрибонлик уйига 14 та тахта каравотлар тўпламини совға қилиб, пойтахтдаги 1-сонли туғруқхона биносининг томини ёпиш учун шифер олиб бериб, жами 3 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

Озарбойжон миллий маданият маркази эса мунтазам равишда очиқ эшиклар куни ўтказади. Шу куни тор доирадаги тиббиёт мутахассисларининг бепул маслаҳатхонаси ишлаб туради. Немис миллий маданият маркази ёшларни фавқулодда вазиятда жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсата олишлари учун машғулотлар ўтказиб туради. Туркман миллий маданият маркази Оққўрғон шаҳрида жойлашган туркман мактабини жорий таъмирдан чиқаришга ёрдам бериб келаётир. Агар ҳаммасини санаб ўтаман десам, қилинаётган ишлар жуда кўп. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда киндик қони тўкилган қардошларимизнинг шу юртга бўлган меҳр-муҳаббатидан далолатдир.

– Барчамиз учун энг азиз ва энг улуғ байрам – Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллик тўйини нишонлашимизга ҳам саноқли кунлар қолди. Албатта, республика байналмилал миллий маданият маркази ҳам мазкур байрамни муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўраётган бўлса керак?

– Шубҳасиз. Ҳар биримиз, фарзандларимиз учун ўзлигимизни англашга ва бундан фахрланишга имкон яратиб берган истиқлолимизнинг 15 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси, вилоят ҳокимликлари, миллий маданият марказларининг мувофиқлаштирувчи марказлари билан биргаликда 20 апрелдан 1 сентябрга қадар республиканинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида «Бизнинг кучимиз бирлик ва ҳамжиҳатликдадир» шиори остида фестиваль ўтказиб келинмоқда. Бундан мақсад мамлакатимиз халқлари ўртасида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш, турли миллат ва элат вакилларининг асрий миллий қадриятлари, тили, дини ва урф-одатларини тиклаш ва ривожлантиришдан иборатдир. Фестиваль республикамизнинг 66 та шаҳар ва туман марказларида ўтказилиши лозим. Шу йилнинг 16 июнь куни пойтахтимизнинг «Туркистон» саройи ёзги бўлимида ўтказилган фестивалда кўпгина миллий маданият марказлари биргаликда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари ўзларининг саҳна чиқишлари билан томошабинларни хушнуд этдилар. Олмалиқ шаҳрида ўтказилган фестиваль эса шаҳарнинг 55 йиллик тўйи билан биргаликда тантанали равишда ўтказилди. Тадбир қаерда ўтказилмасин, хоҳ Хоразмда, хоҳ Сурхондарёда, хоҳ Фарғонада миллий маданият марказларининг фаоллари ўз миллатларининг тарихи, урф-одатлари, қадриятларини нечоғлик яхши билишларини намойиш этибгина қолмай, ўзларининг туғилиб ўсган Ватани –Ўзбекистонга бўлган самимий меҳр-муҳаббатларини, шу юртнинг равнақи учун якдиллик билан бир мақсад йўлида ҳаракат қилишларини кўрсата олдилар. Мазкур фестиваль жуда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, марказлар ўзларининг маданий-маърифий фаолиятига янгича ёндашишларини тақозо этди. Бу дўстлик форумидир. У она тупроғимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларини янада яқинлаштиради, уларни руҳий ҳамжиҳатликда яратувчанлик йўлида олға қадам ташлашга ундайди.

Наргис ҚОСИМОВА суҳбатлашди.

Год благотворительности и медицинских работников

ТАМ, ГДЕ ЦАРИТ ДУШЕВНОЕ ТЕПЛО

Уважение к пожилым людям и хорошее отношение к ним – это долг каждого человека. В старину говорили, что если уважаешь и чтишь старших, то обязательно будешь счастлив. Побывав в пансионате санаторного типа «Нуронийлар оромгохи», что в Юнусабадском районе, довелось убедиться в том, как внимательно и заботливо относятся здесь к людям преклонного возраста.

– Мои дедушка и бабушка недавно отдыхали в «Нуронийлар оромгохи», – говорит рядовой М.Салиев. – Директор пансионата – Лола Эркиновна Юлдашева, своей душевной добротой и отзывчивостью наполнила их отдых яркими красками. Они остались очень довольны!

– Пансионат «Нуронийлар оромгохи», – рассказывает директор Л.Юлдашева, врач высшей категории, кандидат медицинских наук, – изначально рассчитан на нахождение в нем малоимущих пожилых людей – пенсионеров, ветеранов войны 1941–1945 гг., инвалидов и ликвидаторов последствий аварии на Чернобыльской АЭС, других категорий граждан. Они находятся под круглосуточным наблюдением квалифицированных врачей, им предоставлено усиленное питание. Подобный режим питания – не случайность. Это один из методов лечения ряда «возрастных» заболеваний, так называемый «дробный метод». В рацион включены как калорийные продукты, так и обогащенные витаминами фрукты, для пациентов с нарушением желудочно-кишечного тракта предусмотрены щадящие диеты – малокалорийные, обезжиренные.

Для лечения некоторых хронических заболеваний в пансионате применяются электрофорез, фитотерапия, большое внимание уделяется таким лечебным методам, как массажи, физиотерапия, лечебные ванны, ингаляции и электропроцедуры, такие современные методы лечения, как кварцевая, магнитная и лазерная терапия.

Понятно, что не только от сугубо медицинского воздействия наступает значительное улучшение здоровья пожилых людей. Многое зависит от создания в пансионате здорового морального климата, хорошего настроения у пациентов.

– Для того чтобы отдыхающие интересно проводили свой досуг, – рассказывает организатор культурно-массовой работы Ю.Оскаров, – у нас есть шахматы, теннис, музыкальные инструменты, бильярд, большая библиотека. Кстати, библиотека собрана из книг, подаренных горожанами. У нас всегда работает чайхана, где отдыхающие могут посидеть, пообщаться друг с другом за чашкой чая. Уже с начала этого года мы провели в стенах пансионата немало концертов, спортивных состязаний, литературно-музыкальных вечеров. Персонал также охвачен культурно-массовой работой – в этом году мы проводили конкурс среди наших врачей и медицинских сестер под названием «Мехр куеши». Помогают нам и спонсоры. В частности, автопарк № 2 предоставил нашим пациентам транспорт для поездок на экскурсии. А к празднику независимости республики мы готовим большую концертную программу совместно с хокимиятом и домами культуры Юнусабадского района.

Конечно, этот рассказ был бы неполным без мнения тех, кто отдыхает в пансионате. Вот что рассказали пенсионеры Р.Ибрагимова и М.Шаусманов: «Посуда в пансионате новая, вся территория усажена деревьями и кустарниками – тополями, елями, шиповником. Так что здесь все делается для комфорта отдыхающих. Мы очень довольны и лечением, и питанием, постоянной заботой медицинского персонала».

Действительно, побывав в пансионате «Нуронийлар оромгохи», убеждаешься, что не только мы нужны нашим бабушкам и дедушкам, но и нам они нужны! Именно рядом с ними мы учимся состраданию, доброте, верности нравственным идеалам и принципам.

Борис САИДОВ.

Ҳарбий хўжаликларда

АСКАРЛАР УЧУН НОЗ-НЕЪМАТЛАР

Юртимиз табиати, замини ўзига хос. Биргина вилоятда иқлим шароитига қараб қишлоқ хўжалигининг у ёки бу тармоғи ривожланиши мумкин. Заминимиз шу қадар саховатлики, йилда бир неча бор мўл ҳосил йиғиб-териб олиш мумкин. Бугун ана шу замин ноз-неъматлари билан аскарларимиз дастурхони қай тарзда тўлдирилаётгани ҳақида ҳикоя қиламиз.

Маълумки, мамлакатимизда барча соҳаларда ислоҳотлар кенг кўламда амалга оширилмоқда. Жумладан, Қуролли Кучларимизда ҳам. Қисқа давр ичида миллий армиямизда мисли кўрилмаган, улкан ижобий янгиланишлар рўй берди. Пухта ўйланган, давр билан ҳамнафас амалга оширилаётган ислоҳотлар айни кунда ўзининг салмоқли натижаларини кўрсатмоқда.

Ҳарбий жамоалар қошида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқариш бўйича ички таъминот бўлинмаларининг фаолият кўрсатаётганлиги ҳам ислоҳотлар меваси ҳисобланади. Бу соҳа яқин-яқинларда ҳам анчайин эътиборсиз ҳолатда эди. Бугун бу соҳада ҳам туб ўзгаришлар қилинди. Айни кунларда аскарлар ошхонасидаги тўкин-сочинлик ана шу ўзгаришлар самараси ҳисобланади.

Ёз юртимизда пишиқчилик фасли. Эртапишар полиз ва боғ маҳсулотлари аллақачон аскарлар дастурхонини тўлдирди. Бу ишда офицерлар Комил Исрофилов, Анвар Гуломов, Ҳусан Назаров, Олим Иззатуллаев, Зоир Бозорбоев, Рустам Аҳмедов, Фурқат Шукуровлар хизмат қилаётган бўлинмаларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Халқимизда «ҳолва деган билан оғиз чучимайди», деган гап бор. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳам ўзўзидан бўладиган жараён эмас. Бунда меҳнатни тўғри ташкил этиш, табиат инжиқликларига бардош бериш, сабзавот, боғ ва полиз маҳсулотлари етиштириш технологиясини мукаммал билиш, соддароқ қилиб айтганда деҳқончилик илмини пухта эгаллаб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда иқлим шароитини тўғри ва аниқ ҳисобга олиш тақозо этилади. Юқорида тилга олинган бўлинмалар айнан ана шу нарсаларга эътибор қаратиб, мўл ҳосил етиштирдилар.

Бу соҳада Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошидаги илмий-текшириш институти мутахассислари ҳам деҳқонларга оқилона маслаҳат ва йўл-йўриқлари билан яқин кўмакчи бўлдилар.

Бугунги кунгача ички таъминот бўлинмалари қарийб юз миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирдилар. Шундан каттагина қисми полиз маҳсулотларига тўғри келади. Шу ўринда аскар дастурхонига тортилаётган айрим маҳсулотларнинг фойдалилик даражаси ҳақида қисман тўхталиб ўтамиз.

Барча севиб тановул қиладиган тарвуз ҳақида тўхталиб ўтиш унчалик ҳам ўринли эмасдир. Аммо истеъмолдагидан ташқари хашаки нави ҳам борки, бу бўлинмаларда боқилаётган чорва моллари учун яхшигина озуқа бўла олади.

Биргина қовуннинг кимёвий таркибига эътибор беринг-а: сахароза, фруктоза, глюкоза, клетчатка, гемицеллюлоза, крахмал, пектин моддалари, органик кислоталар, турли витаминлар: С, каротин, В16, В15, В1, В2 Е, макро- ва микроунсурлар, магний, фосфор, олтингугурт, хлор, марганец, темир, мис, фтор, рух бор.

Кўҳна Мисрда карамни қанчалар эъзозлаганларини ҳамма ҳам билавермаса керак. Улар овқатланиб бўлгандан сўнг карамни шифобахш неъмат сифатида дастурхонга тортганлар. Қадим Юнонистонда эса уни Худонинг улуғ неъмати деб ҳисоблашган. Ана шундай шифобахш, витаминларга бой неъмат йилнинг тўрт фаслида ҳам аскарлар дастурхонига кўрк бағишлаб туради.

Республикамизда дуккакли экинлар етиштиришга ҳам алоҳида эътибор берилади. Ички таъминот бўлинмалари далаларида ҳам бу экинлар пишиб етилиб, баъзилари май ойининг охирларидаёқ йиғиб-териб олинган. Салқин тушши билан ўз-ўзидан иссиқлик таомларга эҳтиёж ошади. Бундай пайтда мошли, ловияли ва нўхатли овқатлар кучингизга куч, қувватингизга қувват қўшади. Мутахассисларнинг маълумот беришларига кўра мош таркибида крахмалнинг кўплиги билан ажралиб туради, оқсилга бойлиги билан эса гўштдан сира қолишмайди, узоқ вақт тўқ тутиши ҳам диққатга сазовор. Мошда мой, турли хил маъданлар, витамин В2, РР сероб. Нўхат таркибида эса инсон учун ғоят фойдали бўлган олтмиш фоизгача азотсиз экстрактив моддалар мавжуд.

Бундай мисолларни келтириш шартмикин, деган савол туғилиши табиий. Аммо, посбон дастурхонига тортилаётган таом сифати кўпчиликни қизиқтиради. Таомларнинг сифатлилик даражасини ҳар томонлама бақувват, кўркам аскар ўғлонларга қараб ҳам билиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқариш бўйича ички таъминот бўлинмаларининг жорий йилдаги дастлабки ютуқлари ўтган йиллар билан солиштирганимизда анча-мунча салмоқлидир. Чорва моллари парвариши яқин орада гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабни ички таъминот бўлинмалари бемалол ўз зиммаларига ола билишларини кўрсатмоқда.

Далаларда етиштирилаётган қовун, тарвуз, бодринг, помидор, карам, булғор қалампири, кўкатлар, қўйингки, ўттиздан зиёд етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари аскарлар эҳтиёжини қондиришдан ташқари шартнома бўйича хизмат посбонлари, офицерлар ва уларнинг оила аъзолари учун бозор нархидан 20-30 фоиз арзонлаштирилган нархда сотилади.

Бугун аскар ошхоналарининг сархил мева-чевалар билан таъминланишида ички таъминот бўлинмалари боғбонларининг ҳам катта ҳиссалари бор. Биргина мақолада кичик бўлинмаларнинг катта фаолияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтишнинг имкони йўқ. Шуни ишонч билан айтиш мумкин-ки, айнан ана шу бўлинмалар ҳарбийлар яшаш даражасини янада яхшиланишига, ёш офицер оиласини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга улкан ҳисса қўшади.

Ички таъминот бўлинмалари олдида ҳали қилиниши керак бўлган кўплаб вазифалар турибди. Келажакда маҳсулотларни қайта ишловчи кичик корхоналар қуриш ишлари режалаштирилган. Борабора ривожланган ички таъминот бўлинмалари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан аскарлар эҳтиёжини бутунлай ўзлари қондиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Инобат ИБРОҲИМОВА.

Фуқаро муҳофазаси бўлинмаларида

ЎҚУВ МАШҚЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

«Тахиатош нефть омбори» шўъба корхонасига қарашли «Чимбой нефтомбори» корхонасида «Фавқулодда вазиятлар юз берганда ва террорчилик ҳаракатларининг оқибатларини бартараф этиш бўйича объект фуқаро муҳофазаси тузилмалари куч ва воситаларининг ҳаракатлари» мавзусида махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилди.

Мазкур тадбир Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси томонидан тасдиқланган республика фавқулодда вазиятлар бошқармаси (ФВБ) режасига асосан бўлиб ўтганини таъкидлаш жоиз. Ушбу машқларга туман фуқаро муҳофазаси бўлинмалари вакиллари жалб қилиниб, унга Қорақалпоғистон Республикаси ФВБ бошлиғи ўринбосари подполковник Марат Бобожонов раҳбарлик қилди.

Машқлар сценарийсига кўра, корхона ёнилғи қуйиш шохобчасида тўсатдан ёнғин содир бўлади. Навбатчи ходим тезкорлик билан бу ҳақда диспетчерлик хизматига, ёнғин хавфсизлиги бўлинмасига, корхона раҳбариятига ва тегишли хизматларга хабар бериши натижасида вазият тез вақт ичида назорат остига олинади.

Дастлаб, ёнғинга қарши кураш асосан корхонанинг ёнғинга қарши хизмати томонидан олиб борилади. Зудлик билан воқеа жойига етиб келган туман мутасадди хизмати ёнғинни ўчиришни давом эттиради, тез тиббий ёрдам вакиллари эса тиббий ёрдамга мухтожларга муолажа кўрсатишади.

Шундай ҳаяжонли дамларда вазиятдан фойдаланиб, ўзларининг ёвуз ниятларини амалга оширишга уринган «террорчилар гуруҳи» жамоат тартибини сақлаш ходимлари томонидан қўлга олинади. Бу билан қўпорувчилик ҳаракатларининг олди олинади.

Бўлиб ўтган махсус-тактик ўқув машқларининг натижалари таҳлил қилинганида, барча иштирокчилар касбий маҳоратини янада юқори поғонага кўтаришга эришгани мамнуният билан таъкидланди.

Аманбай АРЗИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси ФВБ матбуот гуруҳи ходими.

Экология ва биз

МАСЪУЛЛИК ҲИССИНИ ОШИРИБ

Ҳозирги вақтда табиат ва инсон ҳаётининг экологик хавф остида қолиш жараёнлари тобора мураккаблашиб, мушкуллашиб бормоқда. Атроф-муҳит билан жамият ўртасидаги алоқалар мувозанатининг бузилиши табиий ҳолатга путур етказмоқда. Табиатдаги барқарорликнинг бузилишига аксарият ҳолларда инсонларнинг атроф муҳофазаси ҳақидаги билимларга эга эмаслиги, келажакдаги экологик ҳолатларни олдиндан кўра билмасликлари сабаб бўлмоқда.

Фан-техника ривожининг атроф-муҳитга салбий таъсири, Ер юзидаги жонзотларнинг қирилиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган турли экологик инқирозлар, зилзилалар, офатлар, жуда муҳим муаммоларни инсон ҳаёти кун тартибига қўймоқда. Бугун инсондан табиат қонунларига мос турмуш тарзини ишлаб чиқиш тақозо этилмоқда. Йўқса, табиат инсондан шафқатсизларча ўч олиши шубҳасиз.

Зеро, бугунги кишиларнинг саломатлигига салбий таъсир қилувчи омилларнинг энг салмоқли қисми айнан бузилган экологик вазият эканлиги барчага маълум. Шундай экан, ҳар биримиздан, айниқса биз ёшлардан она Ватанимиз заминининг табиий бойликларини, ҳар бир қарич тупроғида битган гулу гиёҳлардан тортиб, боғу роғларини, тоғу тошларини, дарё ва булоқларини, парранда ва даррандаларини, қисқа қилиб айтганда, ҳайвонот ва наботот оламини кўз қорачиғидек асраш талаб этилади.

Демак, тараққиётнинг ҳозирги даври Ўзбекистонимизда ҳам бутун дунёда бўлгани каби барқарор ривожланишни таъминлашда нафақат иқтисодий, снёсий, ижтимоий соҳалар, балки экологик масалаларни ҳам ечиш зарурлигини кўрсатмоқда. Жаҳондаги кўп давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, халқ таълими тизими умуммиллий масалаларни ечиш жараёнида энг муҳим бўғин ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда: таълим орқали болалар, катталар, улар яшаётган ўлка ва бутун жаҳон учун хавф солаётган экологик хавф-хатарни камайтиришга эришиш мумкин.

Экологик тарбия аҳолини биосферада яшаш қўникмалари билан қуроллантиришни ҳисобга олсак, унинг аҳамияти янада ошади. Экологик таълимнинг мақсади ўқувчи ёшлар ва бутун жамиятда илмий ва амалий билимлар мажмуаси асосида экологик дунёқарашни шакллантириш, ўз соғлигига, атроф-муҳит муҳофазасига масъулиятли бўлишни сингдиришдан иборатдир. Олимларнинг аниқлашича, теварак атрофимиздаги дов-дарахтлар инсон саломатлигининг ўзига хос посбонлари экан. Қуйидаги тадқиқотларга эътибор берайлик: дунёда ҳамма мамлакатларда ўрмонлар мавжуд бўлиб, улар ер юзининг 3 миллиард гектардан зиёд ҳудудини эгаллайди, бу эса қуруқликнинг 30 фоизи демакдир.

Республикамиз ҳудудида 68 хил дарахт, 320 хил бута, 134 хил ярим бута ва 2953 хил гиёҳ турлари мавжуд.

Бир гектар яшил ўрмонзор бир соатда ажратадиган кислород 200 кишининг нафас олишини таъминлайди.

Бир гектар яшил дарахтзор бир кечакундузда 24 кг ис гази (карбон оксиди)ни ютади.

Бир гектар майдондаги ўсимликлар 10 кг фитонцид ишлаб чиқаради. Ушбу фитонцидлар зарарли (дизентерия, дифтерия, сил касалликлари ва ҳоказо) замбуруғ ва бактерияларни йўқотади. Юрак қон-томирларини мустаҳкамлайди, асаб фаолиятини яхшилайди.

Бир гектар ўрмонзор дарахтидан:
- 280 кг целлюлоза;
- 160 кг сунъий ипак;
- 170 кг сунъий жун;
- 2 дона автомобиль шинаси;
- 100 жуфт резина пойабзал;
- 400 жуфт ипак пайпоқ;
- 600 дона трикотаж спорт кийими;
- 90 литр спирт ишлаб чиқариш мумкин экан.

Яна олимларнинг таъкидлашларича, республикамиз шаҳарларида нормал, яъни соғлом турмуш кечириш учун ҳар бир кишига 30 м2 яшил дарахтзор тўғри келиши керак, афсуски бу миқдор ҳозирча атиги 10 м2 ташкил этмоқда.

Демак, биз юртимиздаги яшиллик салтанати бўлган боғу роғларни, ўрмонзорларни яна икки ҳисса кўпайтиришимиз лозим.

Кейинги йилларда амалга ошириладиган ободонлаштириш ишларининг кўлами тобора кенгайиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Албатта, бунда экологик ҳашарларининг, экологик ойликларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Чунки, биз ёшлар, умримиз ва ҳаётимизнинг муҳим таянчи бўлган яшиллик олами – дарахтзор, боғларимизнинг салмоғини янада ошириш, уларни парваришлаш учун ана шундай тадбирлар воситасида ўзимиздаги масъуллик ҳиссини ошира борамиз.

С. ПЎЛАТОВ.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Арестованы террористы

В Великобритании полиция арестовала 20 человек по подозрению в подготовке взрывов более 10 пассажирских самолетов в Англии и США, сообщает телеканал «Sky News». Уровень террористической угрозы повышен до максимального.По данным Скотланд-Ярда, арестованные собирались пронести на борт самолетов «жидкую взрывчатку» в ручном багаже, чтобы взорвать лайнеры примерно в середине полета – над Атлантикой.

Продолжается наступление

Израиль приостановил на несколько дней программу расширения военной операции, однако продолжил наступление в Южном Ливане. Решение не открывать новый фронт принято, чтобы дать шанс переговорному процессу в Совете Безопасности ООН. Однако в рамках нынешней операции военные действия на юге Ливана активизировались. Накануне за расширение операции высказались 9 из 12 ключевых министров израильского правительства.

Идут ожесточенные бои

На северо-востоке Шри-Ланки идут ожесточенные бои между правительственной армией и повстанцами. Правительственные силы подвергли артиллерийским и воздушным атакам позиции повстанцев из группировки «Тигры освобождения Тамил илама», сообщили представители повстанцев. В столице государства, городе Коломбо, в министерстве обороны подтвердили, что военная операция идет, однако подробностей не сообщили, передает АР.

Вторая фаза операции

Американская армия приступила ко второй фазе масштабной операции по обеспечению безопасности в Багдаде. Об этом сообщили представители командования военным контингентом США в Ираке. Операция, о которой было объявлено сразу после неожиданого визита президента США в Ирак, называется «Forward Together» («Вместе вперед»). Ее проводят в столице страны иракские войска и службы безопасности при поддержке коалиционных сил.

В Мексике пересчет голосов

Федеральный избирательный трибунал Мексики принял решение о пересчете в половине избирательных округов страны 9,07% процента голосов на президентских выборах 2 июля. Это решение было принято по требованию оппозиции, чей кандидат Андрес-Мануэль Лопес Обрадор, бывший мэр столицы, уступил своему сопернику Фелипе Кальдерону, сообщает РИА Новости. Пересчета избирательных бюллетеней мексиканская оппозиция добивалась более месяца.

Просьба о помощи

Северная Корея впервые обратилась к Южной Корее с официальной просьбой об оказании помощи в преодолении последствий наводнения, поразившего страну в июле, сообщают сеульские СМИ. Из Пхеньяна поступил такой запрос в южнокорейскую организацию «Межкорейский комитет», занимающуюся оказанием помощи. В частности, КНДР просит направить строительные материалы и оборудование, грузовики, продовольствие, одеяла и лекарства, сообщает Интерфакс. «Межкорейский комитет» объединяет активистов, представляющих общественные организации КНДР и Южной Кореи.

Надвигается мощный тайфун

Мощный тайфун «Саомай», ставший восьмым по счету тропическим циклоном в Азии в нынешнем сезоне, угрожает крупному восточно-китайскому городу Вэньчжоу в провинции Чжэцзян. По сообщениям метеослужб, «Саомай» скоро достигнет побережья страны. Сила ветра вблизи его центра составляет почти 220 км/ч и продолжает расти. Синоптики прогнозируют в регионе обильные осадки.

Раскройте секретную формулу

В Индии защитники окружающей среды обвинили «Coca-Cola» и «Pepsi» в том, что их напитки содержат растительный яд. Верховный суд страны потребовал от компаний раскрыть состав их рецептур, который держится в секрете. В противном случае их продукция может попасть под запрет. Экологи, политики и противники глобализации объединились в общей борьбе против этих транснациональных корпораций, пишет «Die Press».

(www.NEWSru.com).

Абитуриент–2006

КИМ НИМАГА ТАЯНАДИ?

Ўзи орзу қилган касб эгаси бўлиш ниятида олий ўқув юртларига ҳужжат топширган абитуриентлар 1 август куни республикамизнинг турли шаҳарларидаги институт ва университетларда тест синовларини топширишди.

Эрталабдан барча илм масканлари ҳовлиси абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум. Биз Ўзбекистон Миллий университетида бўлганимизда бу ерда ҳар йилгидан-да тумонат одам йиғилганининг гувоҳи бўлдик. Ота-оналар билан суҳбатлашганимизда уларнинг аксарияти фарзандларига дадда бўлиш ниятида мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келишганини маълум қилишди.

– Ўғлим Ҳусниддин иқтисодчи бўлиш ниятида ушбу университетга ҳужжат топширди, – дейди биз билан суҳбатда Андижон вилояти Марҳамат туманидан келган Розия опа Оқилова. – У бир йил давомида ўқитувчилардан қўшимча сабоқ олиб пухта тайёргарлик кўрди. Ажабмас, тинимсиз меҳнати бесамар кетмай, талабалик бахтига муяссар бўлса.

Албатта, ҳар бир абитуриентнинг эгаллаган билими тест синови мобайнида ниҳоятда қўл келиши шубҳасиз. Лекин бундай вақтда ўз билимига ишонмаган баъзи абитуриентлар шпаргалкалардан ҳам фойдаланишга уриниб кўришади. Хўш, бундай қўлбола «восита»лар бўлажак талабага ёрдам берадими? Тест синовларига кириш олдидан абитуриентларнинг фикрлари билан қизиқдик.

– Шахсан мен шпаргалкадан кўра ўз билимимга кўпроқ ишонаман, – дейди пойтахтлик Алия Окопжанова. – Тўғри, шпаргалкада саволларнинг аниқ жавоблари кўрсатилган бўлиши мумкин. Лекин саволга ундан жавоб излайман деб, вақтни бехуда сарфлаш мумкин.

– Шпаргалкаларнинг ҳаммасига ҳам ишониб бўлмайди, – дейди яна бир суҳбатдошим самарқандлик Мутал Шарипов. – Ўтган ой тайёргарлик кўриш учун устозим билан пойтахтдан сотиб олган шпаргалкамизда берилган саволларнинг аксариятида нотўғри жавоб кўрсатилган экан. Бундай ҳолатга дуч келганингиздан кейин ҳам бу нарсага ишониб уни ёнингизда кўтариб юрасизми?

– Мактабда қунт билан билим эгаллаган абитуриентга тест саволлари қийинчилик туғдирмайди, – дейди Тошкент Халқаро Вестминстер университети абитуриенти хоразмлик Шаҳло Барноева. – Фикрингизни жамлаб, диққат-эътиборингизни саволга қаратсангиз, жавобни топиш у қадар муаммо эмас.

Суҳбатдошларимизнинг фикрларидан билса бўладики, улар ҳақиқатда ҳам ўз билимларига ишонишади. Берилган тест саволларига тўғри жавобни белгилашда эса уларга фақат эгаллаган билимлари қўл келади. Тест имтиҳонлари бошлангач, яна уч соат кутиб қаҳрамонларимиз билан суҳбатлашишга жазм этдик. Қани, улар ўз имкониятларини қай даражада баҳолашар экан. Мана, соат 12:00 га яқинлашиб бирин-кетин абитуриентлар университет биносидан чиқиб кела бошлашди. Улар ичида биринчи суҳбатдошимиз Алия ҳам бор экан.

– Деярли барча саволларга аниқ жавоб бердим. Буёғини эса тест натижалари кўрсатади, – дейди у.

Мутал ҳам қувноқ кайфиятда имтиҳондан чиқиб келди. Фанлардан тайёргарлик кўрганим роса асқотди. Фақат битта саволга жавоб беролмадим, шекилли.

Имтиҳонни бошқа суҳбатдошларимиздан бироз кеч тарк этган Шаҳло ҳам жилмайганча ёнимизга етиб келди.

– Ўзим ўйлагандай бирорта ҳам нотаниш савол тушмади, – дейди у хурсандчилигини яшира олмай.

Дарҳақиқат, илмли инсон ҳеч қаерда хор бўлмайди. Унинг игна билан қудуқ қазигандай заҳматли меҳнати ҳаётда ҳамиша наф келтиради.

Холида БЕКНАЗАРОВА.

ДЕТИ В ЖУРНАЛИСТИКЕ

Уже несколько лет при Центральном совете ОДМ «Камолот» работает клуб юных журналистов «Новое поколение». Его создатель – Суннатулла Кузиев.

– Юнкоры – ребята, которые любят сочинять и посылать свои творения в разные газеты, мечтают взять в руки микрофон, диктофон или камеру. Именно в таком возрасте у детей формируется стремление к той или иной специальности. Поэтому и был создан клуб «Новое поколение», – говорит Кузиев. – Мы работаем с января 2003 года. Собираем молодежь от 12 до 20 лет, интересующуюся журналистикой. Отбор был тщательным – осталось двадцать пять мальчиков и девочек. Их в основном обучали телевизионной журналистике. Сейчас они уже сами находят темы, пишут сценарии, снимают сюжеты и даже монтируют. Сюжеты юнкоров транслируются по телеканалу «Ёшлар». Число членов клуба растет. Теперь занимаемся и газетной журналистикой.

– Как ребята участвуют в культурно-просветительской работе ОДМ «Камолот»?

– Их можно увидеть почти на каждом мероприятии. На праздники и мероприятия юнкоры выезжают группами: съемочная, газетно-журнальная, организаторская, ведущие программ. Они уже помогают составлять праздничные сценарии. Недавно принимали активное участие в Республиканском детском кинофотофестивале, праздниках в домах милосердия. Сейчас юнкоры ездят по оздоровительным лагерям, пишут, как дети там отдыхают.

– А какие мероприятия проводите вы сами?

– В сотрудничестве с Республиканским фондом «Сен елгиз эмассан» и домами милосердия № 21 и № 22 создали кружок юных журналистов для детей-сирот. Регулярно проводим для них занятия, помогаем развивать творческие способности, печататься в детских изданиях и готовить сюжеты. В июле этого года при поддержке Международного детского фонда ЮНИСЕФ в Фергане организовали пятидневный семинар-тренинг для молодых журналистов. Тогда же открылся филиал нашего клуба в Фергане. Туда доставлена необходимая аппаратура. Сейчас в этом филиале занимаются пятнадцать человек. Семинары-тренинги провели для членов клуба в Ташкентской области и ребят из отдела пресс-службы Ташкентского городского отделения ОДМ «Камолот». Успех тренингов обусловлен уникальной методикой обучения по модели «Мастер – подмастерье».

Мы также выпускаем специальное издание «Иссик кулча» – «Горячая лепешка» на узбекском и русском языках.

– Чем сейчас занимаются юнкоры?

– Мы работаем над созданием веб-сайта в Интернете. Создание сайта поможет им испытать себя. Присылаемые ими на электронную почту клуба материалы будут размещены на сайте.

Что ж, неплохо, что с юных лет ребята учатся работать в газете и на телевидении. Хорошо подготовленные журналисты всегда в цене. Чем больше талантов, тем интереснее тематика материалов. В добрый путь!

Рустам АЛИМОВ.

ҲУНАРИ БОР – ҲАММАГА ДАРКОР

Ҳар бир даврда ҳунармандчиликка эҳтиёж катта бўлган: ҳунарли кишилар қадрланган. Мумтоз шоирларимиз ва адибларимизнинг барчаси ҳунар ва унинг афзалликлари ҳақида тўхталиб ўтганлар. Ҳатто турли халқларнинг эртак ва ривоятларида ҳунарманд кишиларнинг мартабаси улуғ, иши бароридан келишини ҳам қаҳрамонлар тақдири тасдиқлайди. Ҳозирда ҳам шундай. Ҳунари йўқ йигитга қиз беришмайди.

Новвой, косиб, ганчкор, чевар, пазанда, ошпаз ва ҳокозолар ҳунари туфайли бошқалардан нон тиламайди. Ҳунари бор – ҳаммага даркор, деганларидек, ҳунармандчиликка бугун ҳар қачонгидан кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда. Хоҳланг-хоҳламанг новвойга, сартарошга, косибга тез-тез ишингиз тушади. Шу боис ёшларни ҳунар ўрганишга рағбатлантириш давр талабидир. Бу биринчидан, тежамкорликка, иккинчидан, қўшимча даромад орттиришга замин яратади. Касб ўқиб-ўрганиш жараёнида эгалланса, ҳунар амалий тарзда ўзлаштирилади. Ёшларимизнинг бўш вақтларини тўғри йўналтириш, ҳунар ўрганишга иштиёқларини ошириш керак. Шундагина енгил-елпи ҳаётга мойиллик, ишсизлик муаммосининг бир томони ҳал қилинарди. Ўғирлик, танбаллик, боқимандалик, ишёқмаслик, бекорчиликдан келиб чиқади.

Одатда ёш йигитларимизнинг аксарияти ҳарбий хизматга боришгач, кўникма ҳосил қилишиб, фикри теранлашади. Қолаверса, спорт билан шуғулланиш ҳам ёшларнинг жисмонан бақувват бўлишларига кўмаклашади. Ҳунар эгаллаш ҳар қандай кишининг баркамоллигига туртки бўлади. Нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларимизнинг 50 фоизи назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаб борадилар. Ҳунарманд талабалар кўп. Улар бир томондан ўз молиявий аҳволини мустаҳкамлашса, яна бир томондан, оиласига ортиқча юк бўлишмайди.

Ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам фойдали ва керакли ҳунари орқасидан эътибор қозонади, ҳожатбарорлик қилади. Бир ишнинг бошини маҳкам тутмасдан, бошқасига унаб кетаётганлар бирор натижага эришиши қийин.

Касб бошқа, ҳунар бошқа. Моддий жиҳатдан танг аҳволга тушганимиздан кейин ўзимизни у кўйга, бу кўйга солгандан кўра ҳунар ўрганганимиз афзал. Ёшларимизнинг ўсмир ёшиданоқ бирор ҳунар ўрганишга интилиши ўз келажаги мустаҳкамлигини таъминлаши табиий. Ахир муаммонинг ечими фақат маълумотли бўлишда эмас. Ёш йигит-қизларни ҳунар ўрганишга йўналтириб боришда катталарнинг ўрни муҳим.

– Қишлоғимизда Рўзивой бешиксоз бўларди, – дейди ойим хотирлаб. – Каттаю кичик устани қадрлар, бешикни фақат у кишига буюртиришга ошиқарди. Сабаби, бешик ясашда Рўзивой устанинг олдига тушадигани бўлмагай. Манови миқтизина, пишиққина тутдан ясалган бешикда уч авлод улғайган, десак балки ишонмассизлар, аммо бу ҳақиқат, болаларим. Ҳунарли одам хор бўлмайди, Рўзивой бешиксознинг ўғиллари ҳам одамлар дуосини олиб, отасининг ҳунарини давом эттирмоқда. Ҳозир ҳам устани билганлар унинг ўғиллари ясаган бешикни излашади, чунки улар айримларга ўхшаб кўзбўямачилик қилишдан қўрқишади...

Ҳунармандчиликда ҳам ҳақиқий усталар қадрланади, касб-корда ҳам шундай. Аммо ўз касбининг устаси бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Рўзивой бешиксоз гулдек ҳунари билан ўзига ҳайкал қўйиб кетгани аён.

Иқтисодиётимизнинг бош бўғинига айланиб бораётган ҳунармандчилик аҳоли аксарият қисмининг моддий аҳволини таъминлаяпти. Шундай экан, ҳунармандчилик йўлида очилаётган мини фабрикалар, мини заводларнинг кўпайиши халқ эҳтиёжини янада қоплаши аниқ. Ҳунар ўрганиш, ҳунармандчилик шаҳобчаларини янада кўпайтириш керак. Зеро, бахт хазинаси меҳнат калити билан очилади.

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.

12 август – Халқаро ёшлар куни

МУСТАҚИЛЛИК ЁШЛАРИМИЗ НАЗДИДА

Ёшлик бу – орзу, бу – ишонч, бу – жасоратга интилиш, бу – рангин хаёлот, бу – эртанги кунга чамаланган тенгсиз режалар, келгусининг бошланиши бу, деган эди шоир. Ўзбекистонда шундай асов куч мавжуд, у ҳар нега қодирдир.

Ўзбекистон ўз истиқлолининг 15 йиллигини катта шодиёна ила нишонлаш арафасида. Бу йиллар халқимизнинг минг-минг йиллик тарихий орзуларининг рўёби, энг муҳими, миллий ғурурни англаш, мустақил давлат сифатида ўзини бутун оламга танитиш йиллари бўлди.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш мустақиллигимиз, исҳоҳотларимизнинг бош шиори экан, уни ҳаётга жорий этишда, халқимизнинг олиб бораётган яратувчанлик ишларида, айниқса, ёшлар жавлон уриб, меҳнат қилишлари керак.

Ёшлар – миллат ишончи, юрт эртаси, келажак эгалари. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилиб, бу ишнинг сифатига катта эътибор қаратилмоқда.

Замон талабига жавоб берадиган илмли мутахассислар тайёрлаш учун барча имкониятлар муҳайё қилинмоқда.Бу бежиз эмас, албатта. Билимдон, ўз салоҳияти ва фикрига таяниб мустақил фикрлайдиган ёшларимиз эртанги кун ворисларимиз ҳисобланади. Бугунги ёшларимиз ҳар томонлама баркамол, зукко, доно бўлишга интилиб, Ватанимиз буюклигини исботламоқдалар. Улар нафақат илму фан соҳасида, балки санъат, спорт, қишлоқ хўжалигининг барча жабҳаларида ҳам фаол иштирок этиб, унинг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Бундай ёшлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Барчамиз учун энг азиз, энг улуғ байрамимиз бўлмиш, Мустақиллик айёми олдидан бир қатор иқтидорли ёшларимизнинг дил сўзларини мухлисларга етказамиз.

Курсант Фаррух Эркинов (20 ёшда): – Ўзбекистон мустақилликка эришгач, биз ёшларга кенг имкониятлар эшиги очилди. Мен ҳам энг катта орзуимга етиб, Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли касбни танладим. Ўз юртингда хизмат қилиб, халқингнинг дуосини олишга нима етсин.

Ёқутхон Сулаймонова (талаба, 18 ёшда): – Мустақил, тинчлик ҳукм сураётган, озод ва обод юртнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Илк ниятим амалга ошиб, олий ўқув юрти талабаси бўлганим, бу ерда соф она тилимда сабоқ олаётганим, барча шароитларнинг яратилганлиги мен учун истиқлолдир.

Оддий аскар Жавлон Остонақулов (20 ёшда): – Ҳурлик қуёши порлаётган диёрнинг ҳимоячиси, аскари бўлиш мен учун катта шараф ва ифтихордир. Мустақиллик туфайли, ўзимизнинг миллий армиямизга эга бўлдик. Ўз Ватанимизда, ота-онамиз олдида хизмат қилиб, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши йўлида, барча ёшлар қатори мен ҳам ҳисса қўшаётганимдан ғурурланаман.

Лейтенант Араббой Қурбонов (23 ёшда): – Мустақиллик фуқароларимизнинг армияга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартирди. Бошқа соҳаларда бўлгани каби, Қуролли Кучларимизда ҳам олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар, биз Ватан ҳимоячиларига янада куч-ғайрат, шижоат бағишлаб, юртнинг муносиб фарзанди бўлишга ундайди.

Юқоридаги ёшларимизнинг фикрларидан хулоса қилиб, шуни айтишимиз мумкинки, Мустақиллик – озод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлигини теран англаши учун чексиз ва буюк имкониятдир. Зеро, Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов айтганларидек, «Ёш авлодга эътибор – келажакка эътибор».

Дилшода ҲАМДАМОВА.

МК «Ватанпарвар» ташкилотларида

АСКАРЛИККА ШАЙЛАНАР ЎҒЛОНЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасаларида Қуролли Кучлар учун ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклатилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 13 октябрдаги «Қуролли Кучлар учун техник мутахассислар ва ҳарбий-амалий аҳамиятга эга бўлган оммавий техник кадрлар тайёрлаш тўғрисида»ги 401-сонли қарорида спортнинг техник ва ҳарбий-амалий турлари бўйича спортчилар тайёрлаш Қуролли Кучлар учун техник мутахассислар тайёрлашнинг таркибий қисми деб белгиланган. Ушбу узвий боғлиқлик асосида ҳам маънан, ҳам жисмонан етук Ватан ҳимоячиларини тарбиялаш борасида МК «Ватанпарвар» ташкилотлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

6-9 август кунлари Чирчиқ шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди номидаги ўқув-машғулот спорт-техника мажмуасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган чақириққача ва чақирилувчи ёшлар ўртасида ҳарбий-амалий кўпкураш бўйича республика биринчилиги мусобақалари ўтказилди.

Мусобақага Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган жами 48 нафар курсантлар спортнинг 10 тури бўйича беллашдилар. Мусобақаларга нафақат вилоят, туман, шаҳар марказларидан, қолаверса, чекка қишлоқларидан ҳам спортчилар ташриф буюришди. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманининг Бегжон ва Кулоб овуллари, Сурхондарё вилояти Шеробод туманининг Зарабоғ қишлоғи, Тошкент вилояти Зангиота туманининг Хонабод маҳалласидан ва республикамизнинг узоқ туманларидан келган спортчиларнинг мусобақада иштирок этиши, мазкур спорт турлари қамрови кенгайиб, тобора оммавийлашиб бораётганидан далолатдир.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида Республика МК «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раиси полковник Абдулазиз Абдуқаҳҳоров, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази бош директори, ташкилий қўмита раиси генерал-майор Қосимжон Мамедов, Чирчиқ шаҳар ҳокими Шукурулло Бобоев, «Нуроний» жамғармаси ходимлари, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти бошлиғи генерал-майор Қосимали Аҳмедов, шунингдек, республикамиз вилоят ва туманларидан ташриф буюрган МК «Ватанпарвар» ташкилотлари вакиллари, давлат ва жамоат ташкилотларидан кўплаб меҳмонлар иштирок этишди.

Мусобақанинг биринчи куни курсантлар пневматик милтиқдан ўқ отиш, узунликка сакраш, тўсиқли йўлакчадан ўтиш ва 100 метрга югуриш бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Кўтаринки руҳда давом этган мусобақанинг иккинчи кунида иштирокчилар 3000 метрга югуриш, баландликка сакраш, турникда тортилиш ва граната улоқтириш бўйича ўзаро куч синашди.

– Мусобақаларни ўтказишдан асосий мақсад, – дейди Республика МК «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раиси ўринбосари Шуҳрат Жўраев, – чақирилувчи ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-техник жиҳатдан етук, жисмонан бақувват юрт ҳимоячиси сифатида тарбиялаш, шунингдек, уларда фаол фуқаролик муносабатини, Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат каби фазилатларни шакллантиришдан иборатдир.

Мусобақада чақирилувчиларнинг ҳарбий-техник ва жисмоний тайёргарлигини синовдан ўтказиш билан бир қаторда қатнашчиларнинг маънавий ва ҳуқуқий билимлари, миллий истиқлол ғояларини ўзлаштириш даражаси, аждодлар қадриятлари ва инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган алломаларимиз фаолияти билан нечоғли танишлиги имтиҳон қилинди.

Қашқадарё вилояти МК «Ватанпарвар» ташкилоти кенгаши раисининг ҳарбий-техник тайёргарлик бўйича ўринбосари Норқул Мирзаев ушбу мусобақа ва спорт турлари ҳақидаги ўз фикрини қуйидагича билдирди:

– Техник ва ҳарбий-амалий спорт турлари кишида ғалабага интилиш, аниқ мақсад йўлида оғишмай ҳаракат қилиш каби сифатларни шакллантиради. Шунинг билан бирга ушбу спорт турларининг ўзига хос жиҳатлари ҳам бор. Жумладан, турли моделлар ясаш спорт тури шуғулланувчида ижодий фикрлаш, мантиқ, муҳандислик ҳисоб-китоби каби фазилатларни шакллантирса, ўқ отиш, биатлон, дуатлон, триатлон каби спорт турлари бўлажак аскарнинг шаклланишида тўғридан-тўғри таъсир этиш сифатида қимматлидир. Парашют спорти, картинг, мото ва автоспорт турлари ҳам кишида мардлик, жасурлик, мустаҳкам ирода каби Ватан ҳимоячиси учун зарур хислатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Мусобақа нуфузини оширишга омил бўлувчи жиҳатлардан яна бири мазкур биринчиликда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, Касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва МК «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг қўшма қарорига асосан ташкил этилган тўғарак ва секцияларда шуғулланган чақирилувчилар орасидан энг муносиб спортчилар финалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритганлигидир.

Ғолиблик учун беллашувларда қатнашиш мамлакатимизнинг чекка қишлоқларидан келган бўлғуси аскарлар учун ўз салоҳиятини намойиш этиш имкониятигина бўлиб қолмай, уларнинг онгида бир умрга ўчмас из қолдирувчи воқеа ҳамдир.

Мусобақанинг учинчи кунида иштирокчилар спортнинг сузиш, автомобилларни чегараланган ҳудудларда бошқариш ва маънавий-маърифий, ҳуқуқий тайёргарлик синовларидан муваффақиятли ўтдилар. Мусобақанинг юқори савияда ўтиши учун спорт мажмуасида барча шароитлар кўнгилдагидек ташкиллаштирилган. Ушбу мактаб бошлиғи подполковник Наврўзбек Мирзаев бошчилигида мусобақа давомида мактаб тиббиёт бўлими ходимлари, ёнғинга қарши хавфсизлик хизматчилари ўз вазифаларини аъло даражада бажардилар.

Мусобақа иштирокчилари бу ерда яратилган шароитлар, кўрсатилаётган ғамхўрликлардан мамнун бўлганликларини таъкидлаб ўтдилар.

Якуний натижаларга кўра, бош ҳакам ўринбосари Шокарим Шоумаров ғолиб гуруҳ ва спортчилар номини эълон қилди.

Унга кўра, Тошкент шаҳридан Зафар Муҳаммаджонов (551 балл), Тошкент вилоятидан Бекмурод Анорбоев (524 балл), Сирдарё вилоятидан Зафар Ҳайдаров (490 балл)лар мусобақанинг чемпионлари бўлишди. Жамоалар ўртасида эса, 1-ўрин – Тошкент вилояти(1395 балл), 2-ўрин – Қашқадарё вилояти (1072 балл), 3-ўрин – Сурхондарё вилояти курсантларига насиб этди.

Юқори савияда ўтган мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Унда ғолиб жамоа ва спортчилар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Совғаларни МК «Ватанпарвар» ташкилоти ходимлари, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси вакиллари ва ҳомий ташкилот раҳбарлари ҳарбий оркестр садолари остида топширишди.

Анъанавий тарзда ҳар йили ўтказилиб келинаётган ушбу мусобақанинг нуфузи ортиб, тобора оммавийлашиб бормоқда. Бугунги мусобақада иштирок этган чақирилувчилар келажакда профессионал армия аскари бўлиш, бир умрга спортни турмуш тарзи сифатида билиб, жаҳон ареналарида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш ёки Қуролли Кучлар сафларида шартнома асосида хизматни давом эттириш имкониятларига эга бўлган соғлом тан, соғлом фикрли ёшларнинг вакилларидир. Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлиши, бундай фидойи ўғлонларга эга юрт ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаслиги шубҳасиз.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин Тўраев суратга олган.





МАЪНАВИЯТ

ДЕВУШКА НЕДЕЛИ

Екатерина Гудзева в средней школе училась на хорошо и отлично. Поэтому ее родители и учителя думали, что у Екатерины одна дорога – поступление в институт. Но девушка, вопреки ожиданиям взрослых, выбрала другое. Она твердо решила стать профессиональным специалистом-визажистом.

В свободное время Екатерина увлекается чтением художественной литературы, музыкой. Девушка также любит животных, особенно обожает кошек.

Все это помогает ей в будущей профессии.

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»!

Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10х15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем).

Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

НУКУС – ГЛАЗАМИ ИСПАНСКИХ ФОТОМАСТЕРОВ

В столичном Доме фотографии открылась фотовыставка на тему «Возвращение авангарда. Испанские художники в Нукусе».

Основа дипломатических связей нашей страны с далекой Испанией была заложена еще в эпоху Сахибкирана Амира Темура. В годы независимости отношения между нашими государствами вышли на новый, более высокий уровень. В укреплении экономических, культурно-просветительских связей обеих сторон важной правовой основой служат документы, подписанные руководителями двух стран.

История Узбекистана, ее неповторимые культура, искусство и духовные ценности всегда привлекали к себе внимание художников. Посетившую в прошлом году Нукус группу испанских творческих работников в составе делегации международной организации «Реставраторы без границ» заинтересовали природа края, своеобразие города, образ жизни людей, их традиции и обычаи. Итогом стала серия фотографий о жизни Нукуса.

На выставке представлены фотоработы таких испанских мастеров, как Дэвид Курто, Фернандо Толедо, Лаура Бадель, Каролина Антон.

Н.УСМАНОВА,
корр. УзА.

ВАТАН МАДҲИ

Жуманиёз Жабборов қаламига мансуб қуйидаги шеърга куй басталанса, у ажойиб қўшиқ сифатида янграши шубҳасиз.

БУ ДИЁР

Тариху тақдиримиздир жисм
аро жон бу диёр,
Бизга толе ҳадя этган
Ўзбекистон бу диёр.
Ҳар мунаққаш жилвасинда
неча сирлар жилвагар,
Не асрлар бағридан келгувчи
карвон бу диёр.

Ўзлигин оламга исбот этди
доим фахр ила,
Топди юртлар даврасинда эътибор,
шон бу диёр.
Илму фанда не улуғ алломалар
дунёси бу,
Ҳам Навоий шеъридан
моҳир ғазалхон бу диёр.

Бир вилоят боғу бўстон,
бир вилоят ғалла-дон,
Боғлари шарбат, асалдир,
тоғлари кон бу диёр.
Неча дарё бағридан ўйнаб
оқарлар мавж уриб,
Неча ранглардан муҳайё
мангу бўстон бу диёр.

Қизлари офтобжамол,
ўғлонлари мардона эл,
Эрку истиқлол билан
бўлмиш дурахшон бу диёр.
То жаҳон борича яшнар
офтобга рўбарў.
Халқи қобил, фикри одил
Ўзбекистон бу диёр.

Ўлкамизни ўрганамиз

ТОШКЕНТНИНГ 12 ДАРВОЗАСИ

Тошкент дарвозалари ўрта асрларда шаҳарни ўраб турган мудофаа деворига ўрнатилган дарвозалардир. Тарихий манбаларда таъкидланишича, ушбу дарвозалар қурилиши Бинкат дарвозаларидан бошланган. Бинкат – Шош (Тошкент) тарихий вилоятининг марказий шаҳри (IX–XII асрлар) бўлган. Тарихчи ибн Ҳавқалнинг ёзишича, Бинкат арк, шаҳристон, ички ва ташқи работлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири мудофаа девори билан ўраб олинган. Арк нинг 2 дарвозаси, шаҳристоннинг Аббос, Кеш (Қаср) ва Жунайд (Гунбаз) деб аталган 3 та дарвозаси бўлган. Ички работнинг турли номлар билан аталувчи 10 та дарвозаси, ташқи работнинг эса 7 та дарвозаси мавжуд эди. Рабод – бу Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистондаги ўрта аср шаҳарларининг савдо ва ҳунармандчилик дўконлари, маҳаллалари жойлашган қисми. Работлар шаҳарларнинг арки ёки шаҳристони атрофига қурилган.

Бинкат X-XI асрлардан бошлаб Тошкент номини олган. Шаҳар ҳудудининг кенгайиши билан шаҳар девори ҳам, у бўйлаб ўрнатилган дарвозаларнинг ўрни ва номлари ҳам ўзгариб турган. Шаҳар ягона мудофаа девори билан ўраб олиниб, мустаҳкам истеҳкомга айланган. Тарихий манбаларга кўра, XIV аср охирида шаҳарнинг 12 дарвозаси (Қиёт, Турк, Ўзбек, Тахтапул, Қорасарой, Чиғатой, Суъбониён (Сағбон), Кўкча, Камондарон, Қанғли, Бешоғоч, Қатағон) бўлиб, уларни қўриқлаш маълум бир қабила вакилларига топширилган ва шу туфайли дарвозалар қабила номлари билан аталган.

Абдуллахон II 1580 йилда Тошкентни қамал қилганда шаҳарга 6 тарафдан ҳужум қилишга фармон берган. «Абдуллонома»да шаҳарнинг Фаркат, Шибли, Кўкча, Туркистон (янги қурилган), Самарқанд, Регистон каби дарвозалари бўлганлиги қайд этилган. Кейинги асрларда шаҳар мудофаа девори душманлар ҳужумлари таъсирида вайрона ҳолига келган. Юнусхўжа даврида эса қайта тиклана бошланган. Қўқон хонлиги Тошкентни хонликка қўшиб олгач (1810 й.), Лашкар Қушбеги томонидан шаҳар девори қайта таъмирланиб, янги дарвозалар ва миноралар қурилган.

Тошкент подшо Россияси томонидан босиб олинган вақтда (1865 й.) унинг қуйидаги 12 дарвозаси бўлган: Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чиғатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешоғоч, Қўймас, Қўқон, Қашқар. Бундан ташқари, Қорасарой дарвозасидан шарқроқда бир отлиқ ўтишига мўлжалланган Тешик қофқа (Дарвишак қофқа) жойлашган бўлиб, у Дарвишхон (XVI аср) замонида очилиб, дарвоза ўрнатилган, яна бир қофқа Бешоғоч ва Камолон оралиғида бўлган.

Шаҳар дарвозаларини қўриқлаш дарвозабонларга топширилган бўлиб, улар тонгда дарвозаларни очиб, қоронғи тушиши билан ёпиб қўйганлар. Тошкент дарвозаларининг ҳар бири алоҳида ўз рамзий калитига эга бўлган.

XIX асрнинг 70 – 90-йилларида шаҳар ҳудудининг кенгайиши ва дарвозаларга эҳтиёж бўлмаганлиги сабабли улар бузиб ташланган. Ҳозирги вақтда Тошкент дарвозалари жойлашган ерларни аниқлаш ва рамзий дарвозалар ўрнатиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

М.САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.
Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.



ИККИ ВАФОДОР

Гарчи бобомни кўриш менга насиб этмаган бўлса-да, унинг ибратли ҳаёти умр йўлларимни машъала каби ёритиб туради.

Бобом – Баҳромхўжа Акромхўжаев ва бувим Тожихон Нуъмонова номларини бугун нафақат оиламиз, балки маҳалла аҳли ҳам фахр билан эслайди. Бири Ватан дея жон берган бўлса, бири фронт ортида жангчиларга фидокорона меҳнати билан мадад берган.

Она Ватанга муҳаббат муқаддас ҳисобланади. Бобомнинг ҳам ўз Ватани Ўзбекистонга муҳаббати чексиз эди. Самарқанддарвоза маҳалласида туғилиб ўсган бобом урушнинг дастлабки кунларидаёқ жангга отланди. У киши хайрлашиш олдидан бувимга шундай деган эканлар:

– Жоним Тожихон, нима қилайлик, тақдир экан. Шундай оғир кунда халқимизга, юртимизга қалқон бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Сен ҳам, мен ҳам ёшмиз, ҳаётдан умидимиз катта. Мана кўрасан, бахтли кунлар ҳали олдинда.

Бобом урушга кетаётганларида ўттиз икки ёшда, бувим йигирма саккиз ёшда эдилар. Уларни меҳрибон онаси, вафодор ёри, севимли фарзандлари – уч қизи ва ёлғиз ўғли қалбда меҳр-оташ, кўзда қайноқ ёш билан кузатиб қолишди.

Бувим дастлаб болалар боғчасида, кейинроқ Бадиий буюмлар фабрикасида ишлаб, ёлғиз боши билан оила тебрата бошлаганлар.

Уруш эса давом этарди. Бобом Украинадан тез-тез хат йўллаб турар, мактубларидан бирида Днепр дарёсидан кечиб ўтиб, фашист газандаларини Украина тупроғидан қувиб чиқаришаётганини ёзгандилар. Гарчи жангларда бир неча бор оғир яраланган бўлсалар-да, хатларидан фақат биттасида: «...Қўлимдан сал яраландим, ҳозир соғайдим, яна жанг майдонига қайтаман», деганлар.

Бобом госпиталдан соғайиб чиққач, Украинани озод қилиш учун Николаев областида олиб борилган жангларда ҳам иштирок этган. Унинг 1943 йил 10 августда йўллаган мактубида шундай дейилган: «Жоним Тожихон, биз душманни Украина чегарасига суриб бориб, шу ерда окопларда мустаҳкам мудофаада турибмиз. Сокин кечаларда юлдуз санайман... Қариндош-уруғларим, ойижоним, сиз, қизларим, ўғлим Шуҳратхўжа юлдуз каби кўзимга кўриниб турибсизлар...»

Жанг майдонларида қаҳрамонлик кўрсатаётган, Ватан учун жонини фидо қилаётган сафдошларининг фазилатларини бобом мактубларида доим фахр билан, ғурур билан мадҳ этган. Минг афсуски, кўплаб қирғинбарот жанглардан омон чиққан бобомнинг умри қисқа экан.

1944 йил 21 январда туман ҳарбий комиссариятидан бувим – Тожихон Нуъмонова номига шундай хабар келган:

«Сизнинг умр йўлдошингиз, оддий аскар Акромхўжаев Баҳром Икромович ўз ҳарбий қасамига содиқ қолиб мардлик, қаҳрамонлик намунасини кўрсатди. Ватан учун жангларда оғир яраланиб ҳалок бўлди. 1943 йил 25 декабрида Николаев областининг Колончан районидаги Макаровка қишлоғида дафн этилди...»

Ўшанда оиламизда катта мотам бўлган. Онаизор, севимли рафиқа ва мурғак гўдаклар кўзидан шашқатор ёшлар оққан, додфарёд қилишган... Ҳа, эндигина ўттиз тўрт баҳорни қаршилаётган, урушда бир қанча орден ва медаллар билан тақдирланган бобомнинг орзу-умидлари кўп эди. Улар оиланинг суянган тоғи, меҳрибон мураббийси эдилар. Вафотларидан бир неча ой илгари ёзган хатларидаги мана бу сўзларни эса худди васиятномадек йўллаганлар:

«Жоним Тожихон! Ҳовлини ҳувиллатманг, аҳил-иноқ бўлинглар. Ойижонимни, кўз нуримиз – фарзандларимизни ҳеч хафа қилманг, уларни яхши инсон қилиб тарбияланг. Биз жангда ғолиб бўламиз, ҳали шундай кунлар келадики, бизнинг ҳаётимизга ҳавас қилишади. Болаларимиз ҳалол, меҳнаткаш, одамларга меҳрибон бўлиб етишишларини, уларнинг тарбиясини Сизга ишондим».

У киши хатларига кичкинагина шеър ҳам илова қилиб, фарзандларини бир-бир мадҳ этган эканлар:

Гулларнинг раъноси – Раъногa Салом,
Ширинсухан қизим – Донога Салом,
Барнолар барноси – Барнога Салом,
Рустаму Достоним – Шуҳратга Салом!

Йигирма саккиз ёшида бева қолган Тожихон бувим бобом айтгандек, вафодор бўлиб қолдилар. Ҳовлини ҳувиллатмадилар. Қайноналарини ёлғиз ташлаб қўймадилар. Фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб, ҳалол меҳнат билан ўстирдилар, ўқитдилар, яхши тарбия бердилар. Таълим-тарбиялари ўз самарасини кўрсатиб, фарзандларнинг ҳар бири маълумотли, эл-юрт, халқ учун манфаат келтирадиган инсонлар бўлиб вояга етдилар.

Йиллар ўтди. Фарзандлар камоли армонларни гўё кўнгилдан узоқ-узоқларга олиб кетди. Меҳрибон бувим иззат-ҳурматда, кўплаб набираларнинг севимли кишиси, катта оиланинг фариштаси эдилар. Бироқ, бобомни тез-тез эслаб, уларнинг жанг майдонларидан йўллаган хатларини қайта-қайта ўқир, суратларига узоқ-узоқ тикилардилар. Шундай оғир пайтларда фарзандлари, набиралари, айниқса, дадамга қараб, уларнинг сиймосида бобомни кўргандек қалблари таскин топарди.

Бу дунёда ҳар бир инсоннинг армони бўлгани каби пиру бадавлат, суюкли бувижонимнинг ҳам юракларининг бир бурчагида бобом сиймоси, унинг ёрқин хотираси яшарди. Бахтли-тахтли эдилар. Ҳар тонг, ҳар тун Яратганга шукроналар айтардилар, аммо дилдаги армон ҳеч таскин берай демасди. Муҳаббат, ҳақиқий, чин муҳаббат деб шуни айтишса керак-да.

Фарзандлари орасида онажонларига меҳри бўлакча, ёлғиз ўғил бўлгани сабабли бутун масъулиятни ўз зиммасига олишни ўрганган, волидан муҳтарамасини кўз қорачиғидай асрайдиган дадам фарзандлик бурчларини адо этиш ҳамда у кишининг армонларини рўёбга чиқариш умидида 1977 йилнинг октябрь ойида Украинага йўл олдилар. Ота меҳрига зор бўлиб ўсиб, тўрт ёшида етим қолган дадам ниҳоят бобомнинг қабрларини излаб топдилар (ўша лаҳзаларда уларнинг қалбларида нелар кечгани фақат Яратганигина аён). Бобомлар дафн этилган жойдан ҳокларини олиб, Тошкентга олиб келиб, бувижонимга топширдилар.

Ўшанда кўзларидан шашқатор ёш оқаётган бувим ўғилларини бағриларига босганча машъум урушни лаънатлаган эканлар.

Умр – оқар дарё. 1989 йили бувижонимдан айрилиб қолдик. Мен ўшанда уч яшар эдим. Ўша куни бобожонимнинг ҳокларини бувижоним билан бирга дафн этишди. Фоний дунёда бир-бирига ҳамдард, ҳамфикр бўлиб яшаган икки вафодор, севикли ёр боқий дунё сафарига бирга йўл олишди...

Бобомиз ва бувимизнинг ибратли ҳаётлари, азиз хотиралари биз неваралар йўлини доим ёритиб туради. Мен шундай ажойиб, камтарин, меҳрибон инсонлар зурриёди эканлигимдан жуда фахрланаман.

Феруза БАҲРОМОВА.

Кўнгилга ташриф

Бу гўзал хонанданинг хонишларини кўпчилик севиб тинглайди. Айниқса, саҳнада унинг оҳанглар оғушидаги шўх-шодон рақслари ҳар қандай томошабин диққатини ўзига тортиши шубҳасиз. Шу боис бўлса керак, ҳамиша Севинчнинг концертлари мухлислар билан гавжум.

САҲНАДА ТУЙҒУЛАРИМНИ ЯШИРА ОЛМАЙМАН

Яқинда Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги гастроль концертларида унинг мухлислари ҳатто стадионга сиғмаган бўлса, афсонавий Бухоро шаҳрида Севинч бухороликлар учун икки-уч маротаба концерт қўйишига тўғри келди. Хўш, айни пайтда мухлисларини соғинтирган Севинч Мўминова нима ишлар билан банд? Биз бу борада кўпроқ маълумотга эга бўлиш мақсадида хонандани суҳбатга чорладик.

– Анча пайтдан бери кўринмай қолдингиз, назаримда мухлислар учун бирор янгилик қилмоқчимисиз?

– Эҳтимол, телевидение орқали кам кўринаётгандирман, лекин мен тинимсиз ижод билан бандман. Янги-янги қўшиқлар яратиб, мухлисларимнинг таклиф ва истаклари билан айни пайтда юртимизнинг турли гўшаларида концерт дастурларини ташкиллаштириб келмоқдаман. Ўз ўрнида санъатсевар халқимиз менинг ижод намуналаримни хуржандчилик билан кутиб олишмоқда. Гоҳида концерт ташкилотчилари қизиқиб, «Сиз ўзингизни кўп реклама қилмасангиз-да, мухлисларингиз жуда кўп экан, бунга қандай эришдингиз?» дея савол беришади. Менимча, бу тинимсиз меҳнатим самараси бўлса керак. Айни пайтда янги аудиоальбом устида ишлаяпман. Ўйлайманки, ушбу қўшиқларим мухлислар учун кутилмаган совға бўлади. Шуни янгилик сифатида айтишим мумкинки, альбомда илк бора рус тилида куйлаган «Отпускаю тебя» ва форсча «Добей-добей» деб номланган қўшиқлар ҳам жой олган.

– Ижодингизда туркча, озарбойжонча қўшиқлар кўп учрайди...

– Тўғри айтасиз, ўзбек санъати билан бир қаторда турк, озарбойжон санъатини жуда қадрлайман ва кези келганда ушбу қардош тилларда хониш ҳам қиламан. Боз устига, онам Махмар Мўминова озарбойжонлик бўлиб, икки давлат тилини яхши билганлиги боис, мен ҳам ушбу тилларда бемалол мулоқот қила оламан. Тилни мукаммал билишим эса қўшиқни қалбдан куйлашимга ёрдам беради.

– Клипларингизда, саҳнада жуда шўх кўринасиз. Ҳаётда ҳам шундай қувноқмисиз?

– Томошабинлар олдида шўх кўринганим билан табиатан анча босиқман. Нима учундир саҳнага бир қадам қўйишим билан умуман бошқа инсонга айланаман. Саҳнага чиқдимми, бор маҳоратимни, истеъдодимни намоён қилишга ҳаракат қиламан. Чунки мухлислар менинг санъатимдан баҳраманд бўлиши керак.

– Демак, саҳнада завқ-шавқ билан рақсга тушиб, қўшиқ куйлаш сизнинг хос ўзига имиджингиз, десак бўларканда?

– Буни имидж деб бўлмайди. Мен ичимдан отилиб чиқаётган туйғуларимни ҳаракатларимда намоён қиламан. Тўғрисини айтсам, мен бир жойда тинч туриб, қўшиқ куйлай олмайман.

– Илк бор катта саҳнага чиққанингиздаги ҳаяжонингизни эслай оласизми?

– Албатта, бундай ҳаяжонли дамларни унутиб бўларканми?! Дастлаб Халқлар дўстлиги саройида саҳнага чиққанимда 15 ёшда эдим. Ўшанда ниҳоятда хурсанд бўлиб, санъатга нисбатан қалбимда меҳр уйғонган. Сабаби мени мухлислар илиқ қаршилашганди.

– Бироз танаффусдан сўнг айни пайтда қўшиқчи Севинч мухлислар олдида кўнгилочар, ёшларбоп кўрсатувнинг бошловчиси сифатида намоён бўлди. Бу дейман, журналистликка даъвогарлик қилаяпсизми ёки ўзингизни реклама қилишнинг янгича усулими?

– Тўғриси, мен бу саволни кутгандим. Айтишим мумкинки, кўрсатувда бошловчилик қилишим ўзимни реклама қилишга ҳам, журналистликка даъвогарликка ҳам кирмайди. Ушбу кўрсатувга мени таклиф қилишганда, телевидениеда янгилик қилиб, кўнгилочар эркин дастур тайёрлайман, деб ўйлагандим. Афсуски, мен ўйлагандек бўлиб чиқмади. Бошловчи сифатидаги эркинлигимни қўпол қилиб айтганда «бўға» бошлашди ва мен кутган даражадаги кўрсатув экран юзини кўрмади. Шу туфайли учта кўрсатувдан сўнг бошловчиликни рад қилдим. Назаримда, ушбу кўрсатувга энди Шоира Отабекова бошловчилик қилади.

– «Болалигим» қўшиғингиз анча дардли куйланган. Боз устига ундаги беғубор туйғулар ҳар қандай инсон қалбини жунбушга келтиради. Ушбу шеър матнини ким ёзган?

– Фарғонадаги концертларимнинг бирида Шоҳиста Толипова деган ёш шоира олдимга келиб, «Мен сизнинг ашаддий мухлисингизман. Сиз учун бир шеър ёзгандим. Агар маъқул келса, куйласангиз», дея шеърини қўлимга тутқазди. Уйга келиб, шеърни ўқиб кўрсам, анча содда ва беғубор битилган жумлалар менга ёқиб қолди. Болалигимнинг беғубор паллаларини ёдга олиб, қўшиқни куйладим. Баъзида ўзим ҳам уни мароқ билан тинглайман.

– Наманганда тутинган онангиз бор экан, бу аёл билан қандай танишгансиз?

– Бунинг тарихи узун (кулади). Ҳозир исми аниқ эсимда йўқ. Хуллас, бу аёл менинг ашаддий мухлисим экан. Ўғлига тўй қиладиган бўлиб, яхши кунида менинг хизмат кўрсатишимни хоҳлабди. Гастролда бўлганлигим боис ўғиллари уйимизга бориб, мени тополмаган. Шунда аёл Севинч келмаса, тўй бўлмайди, дея туриб олибди. Шундан сўнг унинг фарзандлари икки-уч маротаба уйга келиб, мени учратишди ва ушбу воқеани айтиб беришди. Иложсиз Чустдаги чекка қишлоқда жойлашган ўша аёлнинг уйига бордим. Шу-шу унга тутинган қиз бўлиб қолдим.

– «Бахт учун миллион» фильмида бироз салбий ролни ижро этибсиз. Яратган қаҳрамонингиз образи ўзингизга ёқдими?

– Сарвиноз образини ёмон деб бўлмайди. Унинг ҳам ўз орзу-армонлари бор. Лекин атрофидаги инсонлар уни шундай йўл тутишга мажбур қилишади. Картина бош қаҳрамони образи ҳаётда қийинчиликларга дош бера олган ғурурли қиз сифатида талқин қилинади. У барча муаммоларни бир ўзи ҳал қилишга интиладиган қайсар қиздир.

– Яна фильмларга таклифлар бўляптими?

– Яқинда режиссёр Давлат Абдураҳмоновнинг «Байрам» студияси томонидан Таиландда суратга олинган «Цунами» деб номланган янги бир картинасида суратга тушдим. Ушбу фильм ҳақидаги барча маълумотларни яқинда мухлисларнинг ўзи билиб олишади.

– Устозингиз...

– Устозим ва продюсерим дадам – Толиб Мўминовдир. У доимо менга далда бўлиб, ёнимда юради.

– Сиз нима деб ўйлайсиз, машҳур бўлиш учун санъаткорнинг ташқи қиёфаси ҳам роль ўйнайдими?

– Албатта, қайсидир маънода гўзаллик ҳам керак. Лекин асосийси сизнинг ижодингиз, меҳнатингиз билан ўлчанади.

– Газетамиз мухлисларига тилакларингиз?

– Юрт корини муқаддас билиб, Ватанимиз сарҳадларини тиним билмай кечаю кундуз ҳимоя қилаётган мард ўғлонларни ҳамиша ҳурмат қиламан. Улар омон экан, бехавотир яшаб, ижод қиламиз. Юртимиз ҳарбийлари доимо соғ-саломат бўлиб, уларнинг уйларида доимо хурсандчилик бўлишига тилакдошман!

Комилжон ҲАСАНОВ суҳбатлашди.

Театральный сезон

ДО НОВЫХ ВСТРЕЧ

В Ташкенте завершились гастроли Иркутского музыкального театра.

– Мы показали узбекистанскому зрителю наши лучшие постановки, в том числе именно здесь прошла премьера оперетты И. Штрауса «Тысяча и одна ночь», – рассказывает художественный руководитель театра Владимир Шагин. – Все наши артисты приняли участие в гастролях и очень рады этому: мы в восторге от вашего зрителя, от горячего приема.

Каждый вечер в течение целого месяца почитатели великого искусства приходили насладиться яркими и красочными спектаклями. Это и завораживающие оперетты И. Кальмана «Сильва», «Фиалка Монмартра», «Баядера», а также «Белая акация» И. Дунаевского и сказочная арабская история для взрослых «Тысяча и одна ночь» И. Штрауса. Особенную привлекательность этой и другим постановкам театра придало использование феерического лазерного шоу.

Шесть вечеров с полным аншлагом шел, пожалуй, самый популярный спектакль иркутчан – «Юнона и Авось» А. Рыбникова. В эту постановку были внесены изменения, превратившие ее в нечто новое. Проникновенная игра актеров затронула сердца едва ли не всех зрителей. Лучшей наградой талантливым актерам были долго не смолкавшие овации.

Музыка всех спектаклей была яркой и мелодичной. Тут и вальс, и джаз, и марш, и полька, и фокстрот, и тарантелла. Отдельной строкой стоит выделить исполнение артистами своих партий. И зрители и критики по достоинству оценили высокий уровень мастерства иркутских актеров: народных артистов России Елены Волошиной, Николая Хохолкова, Владимира Яковлева и многих других.

Надо сказать, это уже четвертые гастроли сибирского коллектива в Узбекистане. Но с таким успехом они прошли впервые. «Мало кто верил, что летом, в «мертвый сезон», можно будет собрать зрителей, – говорит директор ГАБТа имени А. Навои Бахтиёр Якубов, принимавший гостей. – Однако все прошло очень удачно». В.Шагин сказал: «Мы уезжаем, но не прощаемся: надеемся и на дальнейшие встречи с вашими зрителями. За то время, пока мы не приезжали, Ташкент превратился в красивейший город: чистота, зелень, люди приветливые. Нам не терпится вновь приехать сюда. Надеемся в следующий раз порадовать узбекистанских зрителей спектаклями «Веселая вдова», «Кентервильское привидение» и постановкой «Звуки музыки».

Итак, лишь в начале августа в столице закрывается очередной театральный сезон. Но уже совсем скоро начнется новый – открывать его будет великая опера Дж. Верди «Травиата» на сцене ГАБТа.

Рамиль ИСЛАМОВ, Эналида ТЯН.

СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

Футбол

ЭНГ ЙИРИК НАТИЖА

Олий лига жамоалари мамлакат чемпионатининг 18-тур учрашувларини ўтказишди. Ушбу тур ҳозирча голларга бой энг сермаҳсул тур бўлиб, унда дарвозаларга 31 та тўп киритилди. Энг йирик ҳисоб эса Қарши шаҳрида қайд этилди. «Хоразм» жамоасини ўз майдонида қабул қилган «Насаф» футболчилари 9:3 (!) ҳисобида ғалабага эришдилар. «Локомотив» ва «Самарқанд-Д» жамоалари учрашувида ҳам дарвозаларга 7 та тўп киритилди. Бу ўйинда «Локомотив» футболчилари 4:3 ҳисобида устун келишди.

Пешқадамликни қўлдан бермай келаётган «Пахтакор» эса «Бухоро»ни қабул қилиб, 2:0 ҳисобида навбатдаги ғалабани қўлга киритди. Ушбу учрашувда чемпионатнинг энг чиройли голларидан бири киритилди. С. Жепаров деярли майдон марказидан туриб бухороликлар дарвозасини аниқ нишонга олишга эришди.

Турнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан якунланди: «Андижон» – «Машъал» – 0:0, «Сўғдиёна» – «Навбаҳор» – 0:2, «Тўпаланг» – «Металлург» – 2:1, «Трактор» – «Нефтчи» – 0:1, «Шўртан» – «Қизилқум» – 3:1.

Таэквондо

ГЕРМАНИЯДАН ТЎҚҚИЗТА МЕДАЛЬ

Германияда таэквандонинг ITF йўналиши бўйича жаҳон биринчилиги ўтказилди. Унда юртимиз вакиллари ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

Дунёнинг 71 давлатидан мингдан ортиқ спортчи иштирок этган мазкур мусобақада ҳамюртларимиз учта олтин, тўртта кумуш ва тўртта бронза медални қўлга киритишди.

Энди таэквандочиларимиз жорий йилнинг октябрь ойида Ҳиндистонда ўтказиладиган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўришади.

Оғир атлетика

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ЧАККИ ЭМАС

Жанубий Кореяда оғир атлетика бўйича Осиё чемпионати ўтказилди. Мусобақада қитъамизнинг 25 давлатидан спортчилар беллашдилар.

Унда иштирок этган юртимиз спортчилари умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни қўлга киритишди. Вакилларимиздан бухоролик Фурқат Саидов 85 килограммгача бўлган вазнда олтин медални қўлга киритди. Яна бир вакилимиз Акобир Усмонов ҳам 77 килограмм вазн тоифасида шундай натижага эришди. Муҳаммад Бегалиев ва Руслан Ражабов ўз гуруҳларида шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди. Азамат Маматқулов ва Жаҳонгир Неъматов бронза медални қўлга киритди.

Футбол

ЖИДДИЙ СИНОВЛАР АРАФАСИДА

Валерий Непомняший бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоамиз ҳамда 23 ёшгача бўлган терма жамоамиз футболчилари жиддий синовлар арафасида туришибди.

Гап шундаки, 16 август куни «Пахтакор» марказий стадионида Осиё чемпионатига саралаш турнирининг Ўзбекистон–Гонконг терма жамоалари ўртасидаги учрашуви бўлиб ўтади.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоамиз эса жорий йилда Қатарда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади. Ушбу муҳим баҳсларга тайёргарликни ҳар иккала терма жамоамиз аъзолари 11 августдан бошлашади. Шу боис, терма жамоага номзод ҳар бир футболчи назорат остига олинган. Мураббийларнинг айтишларича, терма жамоа сафидан янги футболчилар ҳам ўрин олиши мумкин.

Автомодельный спорт

ПРЕДСТАВИТЕЛИ СВВАКИУ – ПРИЗЕРЫ

В Самарканде завершились первенство и чемпионат Узбекистана среди юношей и взрослых по автомодельному спорту. В соревнованиях приняли участие и представители СВВАКИУ.

Среди юношей первое место завоевал Бунет Усманов, второе место – Владислав Булатов и третье – Амин Бахромов.

Успешно выступили на чемпионате автомоделисты СВВАКИУ. Победителем стал начальник кафедры физподготовки и спорта подполковник Константин Юрковский. А третье призовое место завоевал курсант второго курса СВВАКИУ Дильшод Усманов.

Вольная борьба

БОЛЕЛЬЩИКИ НЕ ОБМАНУТСЯ

На предстоящих Азиатских играх по вольной борьбе на ковер выйдут наши известные атлеты, звезды мирового класса – заслуженные спортсмены Артур Таймазов, Дильшод Мансуров и молодые перспективные борцы-«вольники» – Абдулла Аммаев и Заурбек Сокиев.

Они сделают все зависящее от них, чтобы многочисленные узбекистанские болельщики не обманулись в ожиданиях.

Тяжелая атлетика

УВЕРЕН В ПОБЕДЕ

Одним из первых номеров национальной сборной по тяжелой атлетике является наш армейский спортсмен младший сержант по контракту Игорь Халилов. Он в данное время усиленно готовится к предстоящим Азиатским играм, которые пройдут в конце года в Катаре.

А до этого в конце августа – начале сентября в Ташкенте пройдут отборочные соревнования – чемпионат Узбекистана. Игорь уверен в победе. Он со своими одноклубниками – многоопытными атлетами Александром Уриновым и Фуркатом Саидовым – будет защищать спортивную честь нашей страны на Азиатских играх.

Греко-римская борьба

С ПРИЦЕЛОМ НА АЗИАДУ

В различных спортивных комплексах столицы, в том числе МХСК, в эти дни проходят учебно-тренировочные сборы атлетов по разным видам спорта по подготовке к Азиатским играм.

Именитые борцы греко-римского стиля местом подготовки к Азиаде-2006 не случайно выбрали армейский спорткомплекс МХСК.

– Здесь созданы все необходимые условия для подготовки к одному из высших спортивных форумов – Азиатским играм, – говорит чемпион мира Дильшод Орипов. – Поэтому со мной здесь тренируются и такие мастера ковра, как Александр Докторашвили, Абдумалик Алиев, Денис Здориков.

Подготовил Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

ИНТЕРНЕТ-НОВОСТИ

Вещает Олимпийское радио

В Пекине начало вещание Олимпийское радио Китая на базе Международного радио Китая. Начало работы радиостанции приурочено к 8 августа – до открытия пекинской Олимпиады остается ровно два года. Вещание Олимпийского радио будет вестись в диапазоне АМ на волне 900 поочередно на восьми языках: китайском, русском, арабском, английском, французском, немецком, испанском и корейском. В целом же радио будет работать круглосуточно, сообщает «Интерфакс». Целью создания Олимпийского радио явилось стремление обеспечить практически весь мир последними новостями, касающимися подготовки Китая к играм, а также хода соревнований в процессе проведения Олимпиады. Летние Олимпийские игры 2008 года соберут рекордное число стран-участниц. Как сообщает ИТАР–ТАСС, на Олимпиаду в Пекине приедут спортивные делегации из 203 государств. На Играх 2004 года (Афины) соревновались спортсмены из 202 стран.

Запрет на проведение матчей еврокубков

Европейский союз футбольных ассоциаций (УЕФА) постановил, что в свете военного конфликта на Ближнем Востоке матчи еврокубков на территории Израиля до отмены данного решения проводиться не будут, сообщает официальный сайт УЕФА. Уже перенесены на нейтральную территорию домашние матчи израильских клубов, выпавшие на первые поединки второго отборочного раунда Кубка УЕФА. Клубы и Футбольная ассоциация Израиля проинформированы о необходимости обеспечить проведение матчей на территории других стран, входящих в число членов УЕФА. Администрация УЕФА продолжит наблюдение за уровнем безопасности в Израиле, говорится в заявлении. Все последующие решения будут выноситься на основании тщательного анализа ситуации. Запрет на проведение матчей наложен до особого решения по этому вопросу.

Капитанская повязка досталась Виейра

Новоиспеченный полузащитник миланского «Интера» Патрик Виейра назначен новым капитаном сборной Франции, получив ответственную должность вслед за уходом из большого футбола великого Зинедина Зидана. Опорный полузащитник «трехцветных» впервые выведет сборную пятой республики в ранге капитана 16-го августа в товарищеском матче против Боснии. Наставник Раймон Доменек собственноручно передал почетный лоскуток лидеру своей дружины: «Капитаном сборной будет Патрик Виейра, и это, я полагаю, логично». 30-летний футболист провел в составе национальной команды 94 матча и забил 6 мячей. Первый матч отборочного раунда «Евро-2008» Франция сыграет 2 сентября в Грузии против местной сборной, сообщает «Eurosport.ru».

Дженсон Баттон впервые выиграл этап «Формулы-1»

На венгерской трассе «Хунгароринга» первой победой британского пилота «Хонды» Дженсона Баттона в карьере завершился 13-й этап чемпионата мира «Формулы-1». Дождливые условия гонки, заставлявшие пилотов вести свои болиды на грани риска, привели к массовому сходу участников по ходу гонки. Первым из лидеров сошел с дистанции финн Кими Райкконен («Макларен»), днем ранее завоевавший поул-позишн во время квалификации. После схода Райкконена главное внимание болельщиков приковала дуэль лидера сезона и действующего чемпиона мира Фернандо Алонсо («Рено») и семикратного чемпиона мира Михаэля Шумахера («Феррари»), которых в общем зачете этого сезона разделяло всего 11 очков. Компанию Баттону на подиуме составили испанец Педро де ла Роса («Макларен») и Ник Хайдфельд («БМВ-Заубер»).

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. ОБРЎЕВ, Х. ЗАЙНИЛОВ,
Т. ЖУМАНАЗАРОВ, Х. МИРЗАЕВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98; масъул котиб – 153 04 60 (факс); ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 Буюртма № G-2695. Адади 24450.